БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

13 йил чиқиши

№ 146 (3374).

27 июль

Чоршанба

1966 йил

Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Советн Президиуми ва СССР Министрлар Советн жамоат тартибини бузиш ҳолларига қарши курашни кучайтириш соҳасидаги тадбирларга доир масалани кўриб чиқдилар. Меҳнаткашлар, жамоат ташкилотлари ва давлат органларининг безориликка ва жамият учун зарарли бўлган бошқа ҳодисаларга кескин барҳам бериш зарурлиги ҳақидаги истаклари ва талаблари қабул қилинган қарорларда кенг равишда акс эттирилди.

Совет кишилари жаҳонда энг қудратли давлатлардан бири бўлиб қолган ўз социалистик Ватани билан ҳақли суратда фахрланадилар. КПСС XXIII съезди қарорлари экономика, маданият ва халқ фаровонлигини янада ўстиришнинг кенг истиқболларини очиб берди, совет халқининг кучларини, ижодий ташаббускорлигини ва сиёсий активлигини янгидан ошириб юборди. Партия билан давлатнинг гоят катта иши натижасида бизнинг мамлакатимизда ўзининг ватанпарварлик бурчини, гражданлик ҳуқуқлари ва бурчларини чуқур ҳис этувчи совет кишиларининг онги беқиёс даражада ошди. Шу билан бирга ҳуқуқ-тартиботларни қўпол равишда поймол қилаётган, безорилик ва бошқа жинояткорона ҳаракатлари билан меҳнаткашларнинг яратувчилик меҳнати, истироҳатига халақит бераётган ва кайфиятини бузаётган кишилар совет жамиятида ҳали ҳам бор.

Сўнгги йилларда партия ва совет органлари жиноятчиликка ва жамоат тартибини бузиш ҳолларига қарши курашни кучайтириш юзасидан бир қанча чораларни амалга оширдилар. Бироқ шаҳар ва районларда хатарли жиноятлар ва ашаддий безорилик ҳоллари ҳали ҳам кўллаб содир бўлиб турибди.

Айрим кишиларнинг хулқ-атвори ёмон бўлаётганлиги талай даражада кўпгина партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг жамиятимиз аъзоларини онгли интизом руҳида тарбиялаш борасидаги иши заифлиги билан изоҳланади. Ҳуқуқ-тартиботларни бузиш ҳолларига қарши курашиш учун барча давлат ва жамоат ташкилотларининг кучлари билан кенг фронт вужудга келтириш тўғрисида ҳамма жойда ҳам гамхўрлик қилинаяпти деб бўлмайди.

Жамоат тартибини сақлаш, прокуратура ва суд органларининг иш савияси ошиб кетган талаблардан орқада қолмоқда, бу органлар ҳуқуқ-тартиботни бузиш ҳолларига қарши курашни йўлга қўйиш борасида ҳали етарли даражада жонбозлик билан иш олиб бормаяптилар, улар бир-бирлари билан жуда яқиндан алоқа боғлаб ишлашга, юксак даражада оперативчилик кўрсатишга ва жиноятчиликка қарши курашда ўз ҳаракатларининг ҳужумкор характерда бўлишига эришганлари йўқ. Милиция, прокуратура ва суднинг баъзи бир ходимлари ашаддий безориликнинг, гражданлар ҳаётига, саломатлиги ва шаънига қилинаётган тажовузларнинг жамият учун қанчалик хатарли эканига етарли баҳо бермаётирлар.

Бир қанча жойларда жамоат ташкилотлари, шунингдек корхона, қурилиш, муассаса ва ўқув юртларининг раҳбарлари тартибни мустаҳкамлашда дуруст қатнашмаяптилар. Улар ўз коллективларининг аъзолари томонидан содир этилаётган безорилик, ичкиликбозлик фактларига ва жамият учун зарарли бўлган бошқа кўринишларга муросасозлик билан қарамоқдалар, аҳолини совет қонунларига оғишмай риоя қилиш ва ҳуқуқ-тартиботни бузиш ҳолларига тоқатсиз бўлиш руҳида тарбиялаш билан кам шуғулланмоқдалар. Кўпгина халқ дружиналари безорилар ва тўпалончиларга қарши курашда активликни пасайтириб қўйдилар, ўз ишларини милиция органлар билан дуруст боғлаб олиб бормаяптилар.

Социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш мақсадида иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига, иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советларига, меҳнаткашлар депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетларига шаҳарлар, районлар ва аҳоли яшайдиган пунктларда намунали жамоат тартибини ўрнатиш чораларини кўриш, давлатнинг ва гражданларнинг манфаатларини жиноий унсурларнинг тажовузларидан мустаҳкам муҳофаза этишни таъминлаш таклиф қилинди.

Ҳар қайси республика, ўлка, область, шаҳар ва районда жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ишларнинг аҳволини мунтазам ва чуқур анализ қилиб туриш; ҳуқуқ-тартиботни бузиш ҳолларига қарши курашда, айниқса безорилик кўринишларига қарши курашда меҳнаткашларнинг активлигини бутун чоралар билан ривожлантириш, бу ишда бошланғич партия, комсомол, касаба союз ташкилотларининг, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг, корхона, қурилиш, муассаса, ташкилот, совхоз ва колхоз раҳбарларининг ролини ва масъулиятини ошириш зарур.

Аҳоли ўртасида ва аввало корхоналар, қурилишлар, ўқув юртлари, муассасаларда ва истиқомат жойларида ёшлар билан тарбиявий ишни анча яхшилаш — партия, совет, касаба союз ва комсомол органлари, хўжалик раҳбарлари ва жамоат ташкилотларининг муҳим вазифаларидан биридир.

Жамоат тартибини сақлаш, прокуратура ва суд органларининг раҳбарлари ва барча ходимларидан айниқса жиноятларни очиш ва жиноятчиларни қидириб топиш, жамият учун зарарли унсурлар жиноий фаолиятининг пайини ўз вақтида қирқиб ташлаш, жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш соҳасида ўз ишларини янада такомиллаштириш талаб қилинади. Уларнинг диққат-эътибори ашаддий жиноятчиларга нисбатан бўшанглик қилишга йўл қўймасликка, хатарли жиноятчиларга нисбатан қонунда назарда тутилган қаттиқ жазо чораларини суд-прокуратура практикасида жамоат таъсири кўрсатиш ва ҳуқуқ-тартиботни биринчи марта бироз бузган ва тузалиб кетиши мумкин бўлган шахсларни жамиятдан айириб ташламаган ҳолда тарбиялаш чоралари билан оқилона қўшиб олиб боришга қаратилган бўлиши лозим.

Жиноятчиликка қарши курашда жамоат тартибини сақлаш органлари фаолиятига ягона оператив раҳбарликни таъминлаш манфаатларини кўзлаб, СССР жамоат тартибини сақлаш иттифоқ-республика министрлиги тузилади.

Қабул қилинган қарорларда кўчалар, стадионлар, парклар, клублар ва бошқа жамоат жойларида безориликка қарши курашни кучайтириш юзасидан бир қанча тадбирлар белгиланди. Жамоат тартибини сақлаш соҳасида соқчилик-қоровуллик хизматини ўташ учун мамлакатнинг энг йирик шаҳарларида милициянинг махсус моторлаштирилган қисмлари қўшимча равишда ташкил этилади. Гражданларнинг саломатлигига таҳдид солувчи ёки уларнинг шаънини таҳқирловчи жиноий ҳаракатларнинг пайини қирқиш соҳасида милиция ходимларининг ҳуқуқлари кенгайтирилди. Тергов ёки суддан яшириниб юрган шахсларни қидириб топишни яхшилаш, шунингдек текинхўрликка қарши курашни кучайтириш юзасидан тадбирий чоралар мўлжаллаб қўйилди.

СССР прокуратураси билан унинг органлари олдида давлат органлари, мансабдор шахслар ва айрим гражданлар томонидан социалистик қонунчиликка аниқ ва оғишмай риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш вазифаси қўйилди. Суд органларининг фаолиятини янада яхшилаш чоралари белгиланди. Жиноят қилган ҳар бир киши адолатли жазога тортиладиган бўлиши ва ҳеч бир бегуноҳ одам ҳукм қилинмаслиги учун одил судловни қатъиян қонунга мувофиқ равишда амалга ошириш лозим.

СССР Олий Советн Президиуми безорилик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида гражданларнинг кўп сонли истакларини ва жамоат ташкилотларининг таклифларини ҳисобга олиб, шу масала юзасидан махсус фармон чиқарди. Бу Фармон матбуотда эълон қилинади. Фармонда безорилик ҳаракатлари учун каттароқ маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланди, безорилик ҳақидаги ишларни тергов қилиш ва судда кўриш учун қисқартилган муддатлар назарда тутилди.

Фармонга мувофиқ, майда безорилик учун маъмурий жавобгарлик оширилади. Майда безорилик ўн суткадан тортиб ўн беш суткагача қамоққа олиш ёки иш ҳақининг йигирма процентини ушлаб қолиш шарти билан бир ойдан то икки ойгача муддатга аҳлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиш ёки бўлмаса, ўн сўмдан ўттиз сўмгача жарима солиш билан жазоланади. Майда безорилик учун қамоққа олинган шахсларни қаттиқроқ режим билан сақлаш тартиби белгиланади. Қамоқ жазосини ўташдан бош тортилган ёки белгиланган режимни қасддан бузишга йўл қўйилган тақдирда ҳибсда сақлаш муддати ўттиз суткагача узайтирилиши мумкин. Қамоққа олинганлардан озиқ-овқат билан ётоқ пули ундирилади, уларнинг хат орқали алоқа қилиб туриши, ташқаридан овқат ва посилкалар олиши, озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиши ман этилади, қамоқда турган пайти учун доимий иш жойидан маош тўланмайди. Майда безорилик учун қамалган кишилар меҳнатига ҳақ тўламасдан кўчаларни, ҳовлиларни, жамоат фойдаланадиган жойларни супириб тозалашда ва бошқа жисмоний ишларда ишлатилади.

Милиция органларининг бошлиқларига майда безорилик учун судга мурожаат этмасдан мустақил равишда жарималар солиш ҳуқуқи берилди. Шу билан бирга милиция органларига кўчаларда ва бошқа жамоат жойларида маст ҳолда юрган кишиларга жарималар солиш ҳуқуқи берилади. Ўсмирлар томонидан қилинган безорилик, ичкиликбозлик ва жамият учун зарарли бўлган бошқа ножўя хатти-ҳаракатлар учун ота-оналарнинг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги белгиланади.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎРТАЧИРЧИҚЛИКЛАРНИНГ АВГУСТДАГИ ТАДБИРЛАРИ

Район колхозларида, Киров номли совхозда ёз бўйи астойдил меҳнат қилинди. Асосий майдонларда ғўзаларнинг ривожи яхши. Қатор оралари ҳамиша юмшоқ сақланиб келинаётган, эрта озиқлантирилган ва меъёрида қониб сув ичаётган ҳар туп кўчатда мўлжалдаги ҳосил тўпланмоқда. Энди ҳамма гап эришилган дастлабки ютуқларни мустаҳкамлашда, то пахта йиғим-терими бошлангунга қадар ғўза парваришини қизғин давом эттириб, ҳозирги бор ҳосилни тўла сақлаб қолиш ва ҳосилга яна ҳосил қўшишда қолган. Агар бундан буён ғўзанинг кўкига маҳлиё бўлиб иш бўшаштириб юборилса, хотиржамликка берилса деҳқонлар меҳнатининг бир қисми зое кетиши мумкин.

Ўртачирчиқликлар ана шунга яхши тушунадилар. Шунинг учун ҳам улар август ойи ичида астойдил бел боғлаб, ҳар қачонгидай баракали меҳнат қилиш, ҳар туп ниҳолда зиммага олинган социалистик мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил тўплаш тадбирларини белгиламоқдалар.

Куни кеча райондаги Карл Маркс номли колхозда район пахтакорларининг катта кенгаши бўлиб ўтди. Бу кенгашда район партия ва совет ташкилотларининг, совхоз ва колхозларнинг раҳбарлари, бригада ва звено бошлиқлари, механизаторлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари иштирок этдилар.

Кенгашда сўзга чиққан «Партия XXII съезди» колхозининг звено бошлиғи **У. Азаматов** ҳосилга-ҳосил қўшиш ойи ҳисобланган августда звено аъзолари амалга оширмоқчи бўлган тадбирлар тўғрисида сўзлади.

— Август—деҳқон учун энг масъулиятли ой. Шу ойда билиб иш юритмаган деҳқон ҳосилдан ютқазиб қўйиши турган гап. Биз август ойида барча майдонлардаги ғўзамизни икки марта узунасига, бир ярим марта кўндалангига культивация қилмоқчимиз. Сувдан қолдирмаймиз. Ҳашорат, ўтга олдирмаймиз. Ҳар туп ўсимликда камида 9-10 тадан бўлиқ кўсак тўпланишига эришамиз. Мажбуриятимиз гектаридан 30 центнердан хирмон кўтариш, ялпи ҳосилнинг 70 процентини машинада териш. Йиллик планни эса 10 иш кунида бажарамиз. Мен ўзим машинада 70 тонна пахта тераман.

Минбарда Охунбобоев номли колхознинг бригада бошлиғи ўртоқ **Р. Холматов.** У чеканкани вақтида, сифатли ўтказишнинг нафи тўғрисида гапирди. Ғўза бўйига зўр бераберса бефойда. Ғўзани сершоҳ, калтабўғин, машинабоп қилиб ўстиришга эришсак ютуқ бизники. Шу мақсад билан бригадамизда чеканкани 15-16 тадан ҳосил шоҳи пайдо бўлиши биланоқ сифатли ўтказиб олдик. Энди ғўза ҳосилга, кўсакларнинг эрта пишиб етилишига зўр берилаяпти. Ундан кейин сув тўғрисида ҳам икки оғиз сўз. Бундан буён бу соҳада жуда эҳтиёт бўлиш керак. Ўсимликнинг талабини яхши ўрганиб лозим топилгандагина сув берилса яхши бўлади. Агар август ойида ғўза керагидан ортиқ суғорилса, ёки чанқатиб қўйилса, ҳар иккаласи ҳам ҳосилга зиён.

Ўртоқ Р. Ҳолматов бригадасида 120 гектар ерда пахта етиштирилмоқда. Гектаридан 37 центнердан хирмон кўтарамиз, дейди улар. Йиллик планни 17 иш кунида — 22 сентябрда бажаришмоқчи. Ҳосилнинг деярлик 70-80 проценти машиналарда терилади. Шунинг учун ҳам бригадада ғўза парвариши машина теримига тайёрлик кўриш билан боғлаб олиб борилмоқда.

Ўртоқ **Қ. Ашуров** бошлиқ звено Ленин номли колхознинг пешқадамларидан. Бу звено аъзолари ўтган йили ҳам пахта йиғим-теримида бошқаларга ўрнак бўлган эдилар. Машина теримига катта эътибор берилганлиги туфайли пахта тайёрлаш плани жуда қисқа муддатда бажарилган эди. Бу йил улар ялпи ҳосилнинг 90 процентини машиналар ёрдамида териб, 40 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан пахта олишмоқчи. Ўртоқ Қ. Ашуров шу ҳақда сўзлади.

Кенгашда Карл Маркс номли колхознинг звено бошлиғи **К. Азизов,** Киров номли совхознинг звено бошлиғи **Х. Илёсбоев,** Калинин номли колхознинг звено бошлиғи **Қ. Урозов** ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқдилар. Улар барча ўз касбдошларини августда ҳосилни сақлаб қолиш ва ҳосилга-ҳосил қўшиш, ғўза парваришини ҳар тарафлама уюшқоқлик билан давом эттиришга чақирдилар.

Қардош Озарбайжон пахтакорлари вакилларининг бизга кўрсатган ёрдамлари ва қимматли маслаҳатларига амал қилайлик. Июлнинг сўнгги кунларида ғўза парвариши соҳасида баъзи хўжаликларда йўл қўйилган камчиликларни тезда бартараф этиб, ҳар туп ғўзани ҳосилдор қилиб етиштириш учун курашайлик. Мирзачўллик донгдор пахтакор — моҳир механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамажон Дадажоновнинг чақириғи ҳаммамиз учун ҳам ибратлидир. Ўз касбдошимизнинг пахта йиғим-теримини механизациялаштириб, уни уюшқоқлик билан ўтказиш, пахта далаларида чинакам жасорат кўрсатиб ишлаш тўғрисидаги мурожаати бизнинг ҳам дилимиздаги гап.

Кенгашда сўзга чиққанларнинг ўртага ташлаган шиорлари ана шундай эди.

Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари **А. Мираҳмедов** кенгаш ишига якун ясаб, галдаги муҳим вазифаларни кўрсатиб ўтди. Район пахтакорлари август ойида барча майдонлардаги ғўзаларга бир ярим—икки марта комплекс ишлов берадилар. Бу йил гектаридан ўрта ҳисобда 27 центнердан хирмон кўтарилади, ялпи ҳосилнинг 60 проценти — 31 минг тонна пахта «зангори кема»лар ёрдамида териб олинади.

Район пахта далаларида зиммага олинган ана шу юксак мажбуриятга яраша астойдил бел боғлаб меҳнат қилинмоқда. Август ойи пахтакорларнинг чинакам зарбдор ойига айланади. Ғўза парваришини сира бўшаштирмаганлари ҳолда йиғим-теримга ҳам ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрилади. Пахтаси машина билан териладиган майдонлардаги ғўзалар ўз вақтида дефолиация қилинади. Терим мавсумида пахта далаларида 750 дан ортиқ «зангори кема» жавлон уради.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзкомпартия Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** қатнашди ва нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюро аъзолари В. Г. Ломоносов, Р. К. Қурбонов, Н. М. Матчонов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. А. Габриельянц, область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоқов ўртоқлар иштирок этдилар.

МУСОБАҚАДОШ ОЗАРБАЙЖОН ПАХТАКОРЛАРИ ОБЛАСТИМИЗ ДАЛАЛАРИДА

А. Н. КОСИГИН У ТАННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин Совет ҳукуматининг таклифига биноан Москвага келган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари У Танни 26 июлда Кремлда қабул қилди.

Қабул маросимида У Тан билан бирга БМТ Бош секретарининг ўринбосари А. Е. Нестеренко бор эди.

А. Н. Косигин билан У Тан ўртасида самимий ва дўстона вазиятда ўтган суҳбат бўлди. Суҳбатда БМТ фаолиятига тааллуқли масалалар ва ҳозирги халқаро аҳволга доир баъзи проблемалар тилга олинди.

Суҳбатда СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов ва СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси К. В. Новиков ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

РАИС ТЎҒОН БОШИДА БЎЛСА ҲАМ...

— Сувнинг жилови бизнинг қўлда, шахсан ўзимнинг қўлимда, — дейди Янгийўлдаги «Москва» колхозининг раиси Чинпўлат Жўраев.

Аммо бунинг шундайлиги амалда сезилмаётир. Чунки колхознинг баъзи далаларида ғўза қаторларини сув ялаб, қўллатиб ётган бўлса, айрим жойларда сув кўчага тошиб исроф бўлмоқда. Шуниси ачинарлики, қир ерларда ғўза сувга қонмай ёки об-тобида суғорилмай ҳосил тугунчаларини тўкиб юбормоқда.

Қонуний савол туғилади. Ҳамон раис тўғон бошида экан, нега сувдан фойдаланишда бундай кўнгилсиз аҳвол содир бўлаётир.

Мухбир хабаридан.

РАИС: — Сувнинг жилови ўз қўлимда, нима қилсам ўзим биламан...

А. Холиқов чизган расм.

ҒЎЗА ПАРВАРИШИ СУСАЙТИРИЛМАСИН

Қардош Озарбайжон пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси областимиздаги бир қанча районларда бўлгач, куни кеча Оржоникидзе районига келдилар. Улар юқори ҳосилли бу район хўжаликлари билан яқиндан, қизиқиб танишдилар. Меҳмонлар текшириш ишларини донгдор «Қизил Ўзбекистон» колхозидан бошладилар. Бу машъал хўжалик кишилари пахтадан мўл ҳосил етиштиришда ҳар йили ҳам намуна кўрсатиб келмоқда. Улар бултур 6 минг тоннадан ортиқ пахта топшириб ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этган эдилар.

Эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш ва ютуққа-ютуқ қўшиш «Қизил Ўзбекистон» колхози пахтакорларининг асл мақсадидир. Улар шу йўлда астойдил курашдилар, бу йил об-ҳавонинг ноқулай келиши туфайли содир бўлган табиий қийинчиликларни матонат билан енгдилар ва барча майдонларда пахтадан мўл ҳосил етиштиришга эришдилар. Шу кунларда колхознинг ҳар туп ғўзасида ўртача 4-5 тадан, айрим илғор бригадаларда, масалан, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анвар Эгамназаров бошлиқ комплекс механизациялашган бригаданинг ҳар туп ғўзасида 6-7 тадан тўлиқ кўсак бор. Озарбайжонлик мусобақадошларимиз бу бригада далаларини айланиб кўриб пахтакорларнинг жасорат билан меҳнат қилаётганликларидан мамнун бўлдилар.

Меҳмонлар колхоз далаларини кўрганларида баъзи камчиликларни ҳам аниқладилар ва ўша ерларнинг ўзида тегишли маслаҳатлар бердилар. Юсуп Соипов бошлиқ бригада ерларида унча-мунча ўт бор. Мўл ҳосил учун курашаётган деҳқон ўз даласида битта ҳам бегона ўт қўймаслиги керак. Шу билан бирга бу бригаданинг айрим карталарида ғўзанинг таги яхши юмшатилмаган, чеканкага киришилмаган.

Меҳмонлар бригадир билан суҳбатлашиб, ана шу камчиликларни тезда тугатсангиз ва ғўза парваришини август ойида ҳам қизғин давом эттирсангиз ҳар гектар ердан камида 35-37 центнердан ҳосил етиштиришингиз мумкин, деб айтдилар. Бригадир ўз аъзолари номидан меҳмонларни ишонтириб, биз аниқланган камчиликларни тезда бартараф этамиз ва ҳосил учун курашни тинмай давом эттирамиз, деди.

Мусобақадош озарбайжонликлар Оржоникидзе район колхозларини кўздан кечирганларида асосан чеканка сифатсиз ўтказилаётганлигини, баъзи хўжаликларда эса ҳали бу муҳим агротехника тадбирини бажаришга киришилмаганлигини аниқладилар. Ўзаро текшириш бригадаси аъзоларидан бири ўртоқ Б. Бабалян чеканка ғўзани говлатмайди, тугилган ҳосилларни тезроқ етилишида муҳим аҳамиятга эга деб айтди ва Оржоникидзе район пахтакорларига дўстона маслаҳат берди.

Меҳмонлар қўшни «Правда» колхози аъзоларининг ишидан хурсанд бўлдилар. Колхозчилар фидокорона меҳнат қилиб, ғўзанинг ривожланишидаги кечикишни тугатиб, ҳосил тугишида бултурги шу вақтдагига етказай деб қўйганлар. Улар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўхта Абдуллаева бригадасининг пахтазорида колхозчилар билан қизғин суҳбатлашдилар. Уларнинг бу йил ҳар гектар ердан салкам 40 центнердан пахта етиштириш учун мажбурият олганликларини эшитиб, бунинг учун ҳали астойдил ишлашлари кераклигини айтдилар. Суҳбат вақтида ўртоқ Т. Абдуллаева ғўзаларимизни яна икки марта узунасига ва бир ярим марта кўндалангига парвариш қиламиз, деб меҳмонларни ишонтирди.

Озарбайжонлик дўстларимиз Оржоникидзе районидан кетаётганларида бу район пахтакорларига мўл ҳосил етиштиришда ва етти йилликнинг биринчи йилида партия, халқ ва она-Ватан олдидаги бурчларини шараф билан бажаришларида катта муваффақиятлар тиладилар, азамат пахтакорларнинг тажрибаларини ўрганганликларини айтдилар.

Оржоникидзе район пахтакорлари қардош мусобақадошларимиз билдирган бу катта ишончни оқлаш учун июлнинг сўнгги кунларида ва август ойи давоми ҳамма далаларда фидокорона меҳнат қилишлари керак.

И. ЮСУПОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Суратда: Озарбайжонлик мусобақадошлар «Правда» колхозидаги Тўхта Абдуллаева бригадасининг пахта далаларини кўздан кечирмоқдалар.

А. Абалян фотоси.

МАШИНАСОЗЛАР ҚУВОНЧИ

Тошкент қишлоқ машинасозлиги заводининг донги бутун оламга кетган десак, муболаға қилмаган бўламиз. Ҳақиқатан ҳам шундай. Республикамиз кекса корхоналаридан ҳисобланган бу завод коллективи қўлидан чиқаётган пахта териш машиналари мамлакатимиз пахтачилигини комплекс механизациялаш вазифасини ҳал қилишда муҳим роль ўйнамоқда.

Дастлабки пахта териш машиналари корхона дарвозасидан чиқиб, «оқ олтин» далаларига қараб йўл олганидан бери жуда кўп йиллар ўтди. Шу даврда бу муҳим машиналарнинг жуда кўп хилларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Уларни такомиллаштириш йўлида завод конструкторлари тинмай изланишлар олиб бордилар. Айниқса, етти йиллик давомида бу соҳада салмоқли ишлар қилинди. Довруғи оламга машҳур бўлган ХВС—1,2 ва ХТ—1,2 машиналарини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу машиналарнинг техника-иқтисодий кўрсаткичлар жиҳатидан жаҳонда тенги йўқ. Шунинг учун ҳам ҳатто чет эл мамлакатларидан буюртмалар тушди. Ҳозирги вақтда ана шундай маркали терим машиналари мамлакатимиздан бошқа қатор чет эл деҳқонлари хизматида бўлаяпти.

Машинасозларнинг етти йилликдаги самарали меҳнати муносиб тақдирланди. Корхонага Меҳнат Қизил Байроқ ордени берилди. Бу юксак мукофот завод ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини бехад қувонтирди. Улар пахтачилигимиз учун зарур бўлган янги-янги хил терим машиналари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, давлат планларини ортиғи билан бажаришга астойдил бел боғладилар. Шу йилнинг 25 июлигача 4135 та ХТ—1,2 агрегати тайёрланди. Машинасозлар деҳқонларимизга яна бир янги пахта териш агрегати етказиб бера бошладилар шу ойда. У 17—ХВ—1,8 маркали агрегатдир. Бу машина қатор оралари 90 сантиметр бўлган ғўза пахтасини теришга мослаштирилган.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

(Боши биринчи бетда)

Бир йил мобайнида иккинчи бор содир этилган майда безорилик олти ойдан то бир йил муддатгача озодликдан маҳрум этиш ёки ана шу муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиш ёки бўлмаса ўттиз сўмдан эллик сўмгача жарима солиш тариқасида жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Ашаддий безорилик учун, айниқса ўт очувчи қурол, пичоқлар, кастетлар ёки бошқа хил совуқ қуролларни, шунингдек танага жароҳат етказиш учун махсус мослаштирилган бошқа буюмларни қўлланган ёки қўлланишга уринган ҳолда содир этилган безорилик ҳаракатлари учун оширилган жиноий жавобгарлик назарда тутилади. Бундай ҳаракатлар учун уч йилдан то етти йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш тариқасида жазо бериш тартиби ўрнатилади.

Безорилик ҳақидаги ишларнинг бир қанча категорияси бўйича безориларни судга беришнинг қисқартирилган муддати жорий қилинади: суриштирув органлари кечи билан беш кун муддат ичида содир этилган жиноят ҳолатларини ва тартиббузарнинг шахсини аниқлашлари, бу ҳақда протокол тузишлари керак, ана шу протокол прокурор санкциясидан кейин иш қўзғотиш ва ишни судда кўриш учун асос бўлади. Бундай ишлар судга келган пайтидан бошлаб кечи билан беш кун муддат ичида суд мажлисида кўрилиши шарт. Безорилик ҳаракатлари учун ушланган шахсларга нисбатан судда иш кўрилганга қадар эҳтиёт чораси сифатида, қоида тариқасида, қамоқда сақлаш тартиби қўлланилмоғи керак.

Шунингдек Фармонда белгилаб қўйилдики, маст ҳолатдаги шахс томонидан содир этилган жиноят шу шахснинг жавобгарлигини оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисобланади.

Қабул қилинган қарорларда меҳнаткашларнинг коллективларида ҳуқуқ-тартиботни бузиш ҳолларининг олдини олиш ишларини йўлга қўйиш борасида корхона, қурилиш, муассаса, колхоз, совхоз, ўқув юрти раҳбарларининг, шунингдек бошланғич партия, комсомол ташкилотлари секретарларининг ва касаба союз комитетлари раисларининг роли муҳимлиги уқтирилади. Улар айрим шахсларнинг безорилик қилгани ва бошқа хил ножўя қаттиқ-ҳаракатлар содир этганини кўрсатувчи фактлар тўғрисида маъмурий органлар билан халқ дружиналари топширган материаллар юзасидан кечи билан 10 кун муддат ичида тартиббузарларга нисбатан таъсир кўрсатишнинг зарур чораларини кўришлари мутлақо шарт. Айрим шахслар томонидан ишлаб чиқаришда ғайри-қонуний йўл билан ҳар хил қурол, пичоқ, кастет ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар ясаб олиш фактлари учун корхона, цех, смена, ишлаб чиқариш участкаларининг раҳбарлари шахсан жавобгардирлар.

Партия, комсомол ва касаба союз комитетлари ичкиликбозлик қилаётган, ҳуқуқ-тартиботни бузаётган, ҳуқуқ-тартиботни бузувчиларга ҳомийлик билан қараётган ходимларни қаттиқ жазолашлари керак. Безорилик кўринишларига йўл қўювчи шахсларга нисбатан корхона, муассаса ва ташкилотларнинг маъмурияти ҳамда касаба союз комитетлари томонидан таъсир кўрсатишни кучайтириш керак. Зарур ҳолларда бундай шахсларни ишлаб чиқаришдаги мукофотлардан ҳамда дам олиш уйлари ва санаторийларга бериладиган имтиёзли йўлланмалардан бутунлай ёки қисман маҳрум қилиш лозим; бундай шахсларнинг уй-жой олиш навбати кейинга кўчирилиши мумкин.

Социалистик мусобақа якунларини тўплаш ҳамда корхона, цех ва бошқа ишлаб чиқариш участкаларининг, ташкилот ва муассасаларнинг фаолиятига баҳо бериш вақтида коллектив аъзоларининг совет қонунлари ва коммунистик аҳлоқ талабларига мувофиқ, жамиятда ва турмушда хулқ-атвор қоидаларига риоя этилишига қандай муносабатда бўлаётганлиги муҳим кўрсаткичлардан бири сифатида ҳисобга олинмоғи керак.

Такрорий жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш мақсадларида қамоқ жойларидан озод қилинган муайян категориядаги шахслар устидан милиция органларининг маъмурий назоратини қонуний йўл билан таъсис этиш, шу тариқа ана шу шахсларнинг хулқ атвори устидан контроль ўрнатишни таъминлаш, улар томонидан жиноятлар содир этилишининг олдини олиш ва уларга зарур тарбиявий таъсир кўрсатиш зарур деб топилди. Бу назорат унинг ҳақида тасдиқланган низомга мувофиқ амалга оширилади.

Шу билан бир қаторда оғир жиноятлари учун илгари суд қилинган шахсларга нисбатан, шунингдек баъзи бир жуда хавфли жиноятлар учун ҳукм қилинган вояга етмаган ўсмирларга нисбатан шартли равишда муддатидан олдин қамоқдан бўшатиш ҳамда жазо чорасини енгилроқ чора билан алмаштириш тартибини қўлланишда қўшимча чеклашлар белгилаб қўйиш; шартли равишда ҳукм қилинган ва шартли равишда муддатидан олдин қамоқдан бўшатилган шахсларнинг яна қасддан жиноят содир этганликлари учун уларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар Жиноят қонунлари асосларига қўшимча ҳамда ўзгартишлар киритиш назарда тутилади.

Жиноятчиликка ва жиноятчиликни вужудга келтирувчи сабабларга таг-томири билан чек қўйиш вазифаси умумхалқ иши эканлигини ҳисобга олиб, ҳуқуқ-тартиботни бузиш ҳолларининг олдини олиш ва тартиббузарларга тарбиявий таъсир кўрсатиш соҳасида жамоат ташкилотлари ва меҳнаткашларнинг коллективлари томонидан тўпланган ижобий тажриба қарорларда акс эттирилди. Масалан, ҳуқуқ-тартиботни бузган, лекин ёшига қараб ёки ўзига нисбатан жиноий жазо чораларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлмаганлиги сабабли жиноий жавобгарликдан озод қилинган ўсмирларни қайта тарбиялаш мақсадида жамоат тарбиячилари тайинлаш тартиби жорий қилинади. Уларни вояга етмаган ўсмирларнинг ишлари билан шуғулланувчи район (шаҳар) комиссияси ёки суд тайинлайди. Шу билан бирга меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари ҳузурида вояга етмаган ўсмирларнинг ишлари билан шуғулланувчи комиссияларнинг фаолиятини яхшилаш мўлжалланади.

ВЛКСМ Марказий Комитети, иттифоқдош республикаларнинг ЛКСМ Марказий Комитетлари, барча комсомол комитетларига ёшлар ўртасида жиноятчиликка қарши курашда комсомол ташкилотларининг активлигини анча ошириш, ёш авлодни коммунистик аҳлоқ руҳида ва социалистик ҳуқуқ-тартиботни бузувчиларга муросасиз бўлиш руҳида қунт билан тарбиялашни комсомолнинг энг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблаш таклиф қилинди.

Халқ дружиналарининг фаолиятини активлаштириш учун уларни серғайрат, ташаббускор кишилар билан мустаҳкамлаш, бунда ихтиёрийлик принципига қатъий риоя қилиш таклиф этилди. Халқ дружиналарининг асосий куч-ғайратлари жамоат жойларида безорилик кўринишларининг олдини олишга ва пайини қирқишга қаратилган бўлиши лозим. Энг актив дружиначиларни рағбатлантириш чоралари сифатида уларга қўшимча равишда ҳақ тўланадиган отпуска бериш ҳамда уларни Фахрий ёрлиқлар, пул мукофотлари ва қимматли совғалар билан мукофотлаш назарда тутилади. Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига кўкракка тақиб юриладиган «Аълочи дружиначи» нишонини таъсис этиш тавсия қилинди.

Жамоат тартибини сақлашда аҳолининг активлигини янада ривожлантириш мақсадида ҳуқуқ-тартиботни бузиш ҳолларига қарши курашда ташаббус кўрсатувчи гражданларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий гарантиялар жорий этилади. Белгилаб қўйилдики, гражданларнинг жинояткорона тажовузлар пайини қирқишга ва жиноятчини қўлга туширишга қаратилган ҳаракатлари қонунларга мувофиқ, тўғри деб ҳисобланади ва ҳатто бундай ҳаракатлар натижасида жиноятчига мажбуран шикаст етказилган тақдирда ҳам шундай ҳаракатларни қилган гражданлар жиноий ёки бошқа хил жавобгарликка тортилмайдилар. Гражданларнинг жинояткорона кўринишлар ва жамоат тартибини бузиш ҳолларига йўл қўймаслик ва бундай ҳолларнинг пайини қирқиш соҳасидаги ҳаракатлари муносабати билан уларга нисбатан таҳдид ёки зўрлик ишлатганлиги учун қонуний тартибда жиноий жавобгарлик назарда тутилди.

Жамоат тартибини сақлаш, прокуратура ва суд органлари ҳуқуқ-тартиботни бузиш ҳолларига қарши курашда гражданларнинг ибрат кўрсатганлигини уларнинг иш жойига ёки истиқомат жойига маълум қилишлари лозим. Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига ва жамоат тартибини сақлаш органларига безориликка қарши курашда энг кўп ўрнак кўрсатган гражданларни зарур ҳолларда пул мукофотлари ёки совғалар билан тақдирлашга руҳсат этилди. Маҳаллий ва марказий матбуотга амалдаги совет қонунларини, гражданларнинг ҳуқуқ-тартиботни қўриқлашдаги ҳуқуқлари ва вазифаларини, суд, прокуратура ва милиция органларининг давлат ва гражданлар манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш ишидаги роли ва аҳамиятини кенг тушунтирувчи материалларни мунтазам эълон қилиб бориш ҳамда энг муҳим, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган суд процесслари ҳақида газетхонларга ахборот бериб туриш тавсия қилинди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг қарорларида таъкидланадики, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш юзасидан белгиланган тадбирлар социалистик қонунчиликка жуда қаттиқ риоя қилиш асосида амалга оширилиши лозим. Коммунизм қуриш йўлидан бораётган ва барча гражданларга меҳнат қилиш, билим олиш, дам олиш ва социал таъминот ҳуқуқларини гарантиялаб берган бизнинг мамлакатимизда жиноий кўринишларга ҳамда социалистик ҳуқуқ-тартиботни бошқа хилда бузиш ҳолларига ўрин бўлмаслиги керак.

ОЙБЕКНИНГ ТЎЛА АСАРЛАР ТЎПЛАМИ НАШР ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Матбуот давлат комитети Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек (Мусо Тошмуҳамедович Тошмуҳамедов)нинг тўла асарлар тўпламини нашр этишга қарор қилди.

Нашр этиш ишида Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи правлениеси ва республика Фанлар академияси президиуми қатнашади. Китоблар илмий ва полиграфик жиҳатдан юксак даражада чиқарилади.

Ойбек асарлар тўпламига обуна эълон қилинди.

(ЎзТАГ).

ЧЕВАР ҚИЗЛАР

Сиз суратда кўриб турган чеварлар 2-тикув фабрикасида ишлашади. Улар ўз смена топшириқларини доимо ортиғи билан бажаришади.

Суратда: (чапдан) М. Мавлутова, С. Санфиазарова ва Л. Дорошенко ўртоқлар.

А. Тўраев фотоси.

● ◆ ●

ҲАМ ДРУЖИНАЧИ, ҲАМ АГИТАТОР

Сатан Турғунбоев номини Чирчиқдаги Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати коллективи ҳурмат билан тилга олади. 8-металлургия цехида старший инженер бўлиб ишлаётган бу мутахассис унумли меҳнат қилиш билан бирга жамоат ишларида ҳам актив иштирок этмоқда. У дружиначи ва агитатордир. Суратда: ўртоқ С. Турғунбоев.

М. Нуриддинов фотоси.

МАКТАБ РЕМОНТИГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

«Мактабларни янги ўқув йилига ўз вақтида ҳозирлаб қўйайлик!»

Пойтахтимизнинг Киров райони маорифи ходимлари ва жамоат ташкилотлари республикамизнинг барча маориф ходимларига қарата қабул қилган мурожаатларида ана шундай деб даъват этдилар. Кировликларнинг бу чақириғи областимиз маориф ходимлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Область мактабларида билим ўчоқлари жойлашган биноларни ремонт қилиш, янги синфхоналар қуриш зўр уюшқоқлик билан бошлаб юборилди.

Бу йил областимиздаги 810 та мактаб ремонт қилиниши лозим эди.

Шу кунгача 550 дан ортиқ мактабда ремонт ишлари муваффақиятли тугалланди. Ҳозир 12 минг ўқувчига мўлжалланган қўшимча синф хоналари қурилмоқда. Шу билан бирга 39 минг 720 дан ортиқ парта, 4039 та синфнинг доскаси ва бошқа ўқув инвентарлари сифатли ремонтдан чиқариб қўйилди.

Бекобод шаҳар ва район мактаблари бу соҳада ибратли ишларни амалга оширдилар. Бекободликлар областимизда биринчи бўлиб «Ҳамма мактаблар янги ўқув йилига тахт» деб, рапорти бердилар. Оққўрғон район жамоат ташкилотлари ҳам бекободликлар изидан бориб, ремонт ишларини тугаллаб қўйдилар ҳисоб.

Булар кишини қувонтиради, албатта. Аммо, очиғини айтиш керакки, областимиздаги кўпгина мактабларда ҳали ҳам ремонт ишлари судралиб келмоқда. Бўка, Ўрта Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ районларида ҳали ремонт ишларига киришмаган мактаблар ҳам бор.

Мактабларни янги ўқув йилига ўз вақтида ҳозирлаб қўйиш муҳим ишдир. Шунинг учун ҳам районлараро текширишлар ўтказилди. Текширишлар вақтида қўлга киритилган ютуқлар умумлаштирилди, йўл қўйилаётган камчиликлар очиб ташланди. Бу нуқсонларни бартараф этиш юзасидан дўстона маслаҳатлар берилди.

Тошкентда юз берган зилзила туфайли Калинин районидаги бир қатор мактаблар жойлашган бинолар шикастланди. Айримлари бузилиб ёрилди. Лекин, шунга қарамай мактаб биноларини қайта тиклаш ва ремонт қилишга бир ёқадан бош чиқариб киришилди. Ҳозир эса, мактабларнинг кўпи янги ўқув йилига тайёр.

Оржоникидзе районидан келган ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари бу ерда қилинаётган ишларни кўриб хурсанд бўлдилар. Айниқса, райондаги 24-мактаб (директори ўртоқ Акбаров) педагогик коллективининг жонбозлиги меҳмонларни мамнун қилди. Бу мактаб Тошкентда юз берган зилзила вақтида катта зарар кўрди. Уни тезда тиклаш лозим эди. Шунинг учун мактабни оталикка олган К. Маркс номли колхоз педагогик коллективга яқиндан ёрдам берди. Куч бирликда деганларидек, мактабни тиклаш ва ремонт қилиш ишлари қисқа муддатларда адо этилди. Шунингдек «Партия XXI съезди» совхози оталик қилаётган 68-мактаб (директори ўртоқ Исмоилов)да 1 сентябрга ҳар томонлама тайёргарлик кўриб қўйилди. Райондаги 23-(директори Ғафуров), 26-(директори Қодиров), 37-(директори ўртоқ Жалилова) ва 70-(директори Раҳимов) мактаблар ҳам ремонт ишлари муддатидан олдин тугалланганлиги ҳақида рапорт бердилар.

Бу йил районда ўқитувчи кадрлар танлаш ишига катта аҳамият берилди. Рус тили, чет тиллардан дарс берувчи ўқитувчилар состави мустаҳкамланди. Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, ўқитувчилар квартиралар билан тўла таъминланди.

Ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари районда умумий-мажбурий таълим ҳақидаги Қонуннинг яхши бажарилаётганлигини алоҳида қайд қилиб ўтдилар. Районда мактаб ёшидаги ҳамма болалар рўйхатга олиниб, ўқишга жалб этилди.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРГАРЛИКНИ ТЕКШИРАМИЗ

Ўрта Чирчиқ район маориф ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари Юқори Чирчиқда бўлиб, мактабларда янги ўқув йилига қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги билан танишдилар. Тўғри, райондаги айрим мактабларда ремонт ишлари жадал олиб борилди. Натижада 17, 22, 51, 48-мактаблар ўз вақтида сифатли ремонтдан чиқарилди.

Афсуски, ҳамма мактабларда ҳам бу масъулиятли ишга жонкуярлик билан муносабатда бўлинмади. Баъзи мактабларда ремонт ишлари ўлда-жўлда бўлиб ётибди.

Янги ўқув йилигача райондаги 66 та мактаб тўла ремонтдан чиқарилиши зарур. «Ўзбекистон» колхози оталигидаги 6-мактаб (директори Асибеков) ўз вақтида ремонт қилиниши мумкин эди. Бироқ, бу иш чўзилиб кетди. «Нега аҳвол бундай?» деб сўрасангиз, мактаб дирекцияси ҳам, колхоз правлениеси ҳам асоссиз сабабларни рўкач қилиб, кўрсатадилар. Гўё қурилиш материаллари, хусусан бўёқлар етишмаётган эмиш? Қуруқ гап ўрнига амалий ишга ўтилганда ремонт ишлари чўзилиб кетмаган бўлур эди.

Райондаги 47-мактаб (директори ўртоқ Усмонов)га илғор хўжаликлардан бири «Политотдел» колхози оталиқ қилади. Бу ерда ҳам аҳвол яхши эмас. Ремонт ишлари сустлик билан олиб борилмоқда. Иш шу зайлда борса, мактаб ҳали бери 1 сентябрга тайёр бўлмайди.

Ўзаро текшириш бригадаси аъзолари шу нарсани ҳам таъкидлаб ўтдиларки, қилинган ремонт ишларининг кўпи сифатсиз бажарилган. Ҳатто бўялмаган парталар ҳам синфхоналарга киритиб қўйилаверган. Айниқса, 6, 7, 12 ва бошқа мактабларда бундай ҳолни кўриш мумкин. Ахир, бу мактаб гигиенасига мутлақо тўғри келмайди-ку!

Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш ҳамда фан кабинетлари ва лабораторияларни кўргазмали ўқув қуроллари билан жиҳозлаш ҳам кўнгилдагидек эмас. Масалан, Оқовул қишлоқ Совети (раиси Назарбеков)да хотиржамлик ҳукмрон. Бу ердаги мактаб шу йил 2 минг сўмлик ўқув қуроллари ва инвентарлар олиши лозим эди. Лекин, бу планларнинг ҳаммаси ўз вақтида ўзлаштирилмади. Ҳозиргача атиги 500 сўмлик ўқув қуроллари сотиб олинди.

Биринчи сентябрь тобора яқинлашиб келмоқда. Вақт кутиб турмайди. Шунинг учун ҳам Юқори Чирчиқ райони маориф ходимлари, жамоат ташкилотлари мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш ишини тезлаштиришлари лозим. Ҳар бир кундан унумли фойдаланиб, синфхоналар ва фан кабинетларини сифатли ремонтдан чиқариш даркор. Дарсликларни ўқувчиларга ўз вақтида етказиб бериш ҳам муҳим вазифаси эканлигини унутмаслик керак.

Оржоникидзе, Оққўрғон, Бўка, Ўрта Чирчиқ районларида ҳамда областимиз шаҳарларида ҳам ана шундай текширишлар ўтказилди.

Районлар ўртасида ўтказилган бу текширишлар яхши натижалар берди. Энди ҳамма гап меҳмонлар томонидан берилган дўстона маслаҳатларга тўла амал қилиш, йўл қўйилаётган камчиликларни тезда бартараф этишда қолди. Шунга эришиш керакки, 1 сентябрда ҳамма мактабларда машғулотлар зўр уюшқоқлик билан бошлаб юборилсин.

С. СОБИТОВ,
область халқ маорифи бўлимининг инспектори.
К. УМАРОВ,
Оққўрғон район халқ маорифи бўлимининг инспектори.
А. АЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ЖОНАЖОН РЕСПУБЛИКАМИЗДА

ТЕЛЕМЕХАНИЗАЦИЯНИНГ УНИФИКАЦИЯ ҚИЛИНГАН СИСТЕМАСИ

АНДИЖОН, (ЎзТАГ). Телемеханизациянинг дастлабки унификация қилинган «СТФ-1» системаси фойдаланишга топширилгандан кейин, «Ўзбекнефть» бирлашмасининг ҳар бир нефть конида йилига 130 минг сўм маблағни тежаб қолиш мумкин. Бирлашма махсус конструкторлик бюроси телемеханика бўлимининг ходимлари бу системани яратиш учун Фарғона водийсидаги конларда кенг қидирув-тадқиқот ишларини амалга оширдилар. Иқлим шароитларининг мураккаблигини, объектларнинг тарқоқлигини ҳисобга олиб, системанинг оптимал варианти белгиланди.

● ● ●

СУРХОНДАРЕ ОБЛАСТЬ ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

ТЕРМИЗ, (ЎзТАГ). Сурхондарё областининг пахтакорлари йиллик мажбуриятни бажариш учун зўр бериб курашмоқдалар. Қардош Тожикистон қишлоқ хўжалик ходимларининг ўзаро текшириш бригадаси Денов, Шўрчи, Сариосиё, Жарқўрғон районларидаги бир қанча колхозларда, «Хазорбоғ» ва «Сурхон» совхозларида дала ишларининг яхши уюштирилганлигини қайд қилди.

● ● ●

БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА

ҚЎҚОН, (ЎзТАГ). Шу кунларда Қўқондаги 55-автобаза ажойиб ташаббус кўрсатди. Шофер Иван Попов ана шу ташаббусни бошлаб берди.

У ишлаб чиқаришдаги фойдаланилмаётган барча резервларни халқ хўжалигига хизмат қилдиришга ҳаракат қилиб, индустриал Қўқоннинг барча ишчиларига мурожаат қилди ва уларни материал, хом ашё, ёқилғи, деталларни тежаб, омилкорлик билан сарфлашга ва ана шу тарзда тежаб қолинган бутун маблағни беш йиллик фондига қўшишга чақирди.

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР Олий Совети Президиумининг 1966 йил 18 июлдаги Фармони билан алоқа воситалари, телевидение, радиоэшиттириш бўйича етти йиллик план топшириқларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун СССР Алоқа министрлигининг корхоналари ва ташкилотларининг ходимлари СССР орден ва медаллари билан мукофотланди. Шу жумладан Тошкент области ва Тошкент шаҳри бўйича қуйидагилар мукофотланди.

ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

Гуцалав Иван Григорьевич — Чирчиқ шаҳар алоқа узелининг бошлиғи.

Морганюк Валентина Алексеевна—Тошкент телеграфининг телеграфисткаси.

Саъдуллаев Жамол — Тошкент почтамтининг почтальони.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Губкин Михаил Яковлевич— Тўйтепа эксплуатация-техника алоқа узелининг монтёри.

Давидов Виктор Никифорович— «Межгорсвязстрой» трестининг қурилиш-монтаж бошқармаси пайвандчиси.

Смирнов Алексей Александрович—«Союзтелефонстрой» тресги қурилиш-монтаж бошқармасининг кабелчи-слесари.

Ҳакимова Жамила Муталовна— Тошкент телеграфининг телеграфисткаси.

Хансоверова Ҳалима Абдураҳмоновна—Тошкент шаҳарлараро телефон станциясининг старший телефонисткаси.

Чернишев Павел Александрович—Тошкент эксплуатация-техника алоқа узелининг ишчиси.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Алимов Азиз—Оққўрғон район алоқа узелининг старший электромеханиги.

Аминьчикова Евгения Федоровна—Тошкент шаҳарлараро телефон станциясининг телефонисткаси.

Берганова Лилия Раҳмановна —«Союзпечать» бошқармасининг бошлиғи.

Винокуров Петр Федорович— иттифоқ давлат алоқа лойиҳалаш институти Тошкент бўлимининг бош технологи.

Ерохина Мария Кузьминична— Тошкент алоқа политехникуми ўқитувчиси.

Исломов Анвар Исломович— Тошкент алоқа электротехника институти проректори.

Исроилов Илҳом —республика радиомарказининг мачтачиси.

Козлов Василий Степанович— Кабель ва радио реле магистралининг техника эксплуатацияси бошқармаси старший инженери.

Корф Леонид Ефимович— «Межгорсвязстрой» трестининг қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи.

Кузьмина Зинаида Яковлевна— Тошкент почталар ташиш бўлимининг участка бригадири.

Ларцева Дарья Петровна—Тошкент почтамти 4-алоқа бўлимининг почтальони.

Логвинова Анастасия Ивановна —Олмалиқ шаҳар алоқа узелининг телеграфисткаси.

Луконин Вячеслав Сергеевич— Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг бўлим бошлиғи.

Макарова Елизавета Николаевна—Тошкент почтамтининг почтальони.

Маҳкамова Хожия—Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг бўлим бошлиғи.

Московцева Мария Андреевна —Янгийўл шаҳар алоқа узелининг бўлим бошлиғи.

Муҳсимов Музаффар—Тошкент почтамти 34-алоқа бўлимининг почтальони.

Назаров Бодомбой — Тошкент почталар ташиш бўлимининг почта вагонининг бошлиғи.

Никонова Маргарита Николаевна—Тошкент почтамти 35-алоқа бўлимининг телеграфисткаси.

Пермяков Михаил Павлович— Тошкент почтамтининг участка бошлиғи.

Петрова Мария Ивановна— Тошкент телеграфи бошлиғининг ўринбосари.

Стрельникова Мария Герасимовна—Тўйтепа район алоқа узелининг бўлим бошлиғи.

Сухорукова Мария Ивановна— Тошкент шаҳар телефон тармоғи инженери.

Худоёров Дадажон Валихонович — Ўзбексвязстрой» тресги қурилиш-монтаж бошқармасининг бригадири.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Андриякина Мария Феоктистовна—Бекобод шаҳар алоқа узелининг почтальони.

Бекқулова Ўғилой—Бўка район алоқа узелининг почтальони.

Береснева Надежда Григорьевна—Тошкент телеграфининг телеграфисткаси.

Жумаев Рамазон — «Союзтелефонстрой» трестининг қурилиш-монтаж бошқармаси монтёри.

Жиров Михаил Иванович—«Ўзбексвязстрой» трестининг қурилиш-монтаж бошқармаси бригадири.

Кальменсон Моисей Семенович —СССР Алоқа министрлиги заводининг бош инженери.

Кузнецов Алексей Дмитриевич —10-кабель ва радиореле магистралининг техника эксплуатацияси район бошқармасининг бошлиғи.

Лаптев Константин Макарович Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг бошқарма бошлиғи.

Ликонцев Николай Николаевич —Тошкент Алоқа электротехника институтининг кафедра мудири.

Лойко Виктор Адамович — «Межгорсвязьстрой» трестининг қурилиш-монтаж бошқармаси пайвандчиси.

Маназарова Шафоат Соибовна —Тошкент шаҳар «Союзпечать» бўлими киоскачиси.

Медведева Матрёна Степановна—вахтер.

Минеев Иван Матвеевич—Ўзбекистон радиоэшиттириш тармоғи дирекциясининг электромеханиги.

Пўлатов Мурод—Калинин район алоқа узелининг почтальони.

Савадов Ашот Тавадович—Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Суходолов Юрий Андреевич— Ўзбекистон КП Марказий Комитети инструктори.

Умарова Назира Зокировна— Тошкент шаҳар телефон тармоғининг телефонисткаси.

Шумаков Анатолий Филатович —Тошкент шаҳарлараро телефон станциясининг электромеханиги.

Йўлдошева Тожи — Тошкент почтамтининг сараловчиси.

Янгуразов Рауф Халитович— «Ўзбексвязстрой» қурилиш-монтаж трестининг бошқарувчиси.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Алиев Мансур Ҳасанович— Тошкент алоқа политехникуми ўқитувчиси.

Алимуҳамедов Шермуҳаммад— Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги ходими.

Орифжонов Тожибой —Тошкент почтамти 2-алоқа бўлимининг почтальони.

Арутюнян Гастон Авагимович —Тошкент телеграфининг цех бошлиғи.

Ватолкина Евдокия Васильевна —Тошкент почтамти 115-алоқа бўлимининг оператори.

Дворникова Екатерина Харитоновна—Оржоникидзе район алоқа узелининг старший сараловчиси.

Жўраев Темир—Тошкент почтамти 100-алоқа бўлимининг почтальони.

Карпов Василий Николаевич— «Ўзбексвязстрой» трестининг қурилиш-монтаж бошқармаси старший инженери.

Михайличенко Максим Павлович—СССР Алоқа министрлиги қурилиш дирекциясининг старший инженери.

Нагин Григорий Петрович— Тошкент почталар ташиш бўлими почта вагони электромонтёр-проводниги.

Пенькова Валентина Владимировна—Тошкент почталар ташиш бўлимининг сараловчилар бригадири.

Плоцин Павел Францевич— республика радиомаркази радиостанциясининг монтёри.

Семенова Анастасия Ивановна—Янгибозор район алоқа узелининг телефонисткаси.

Сергеева Мария Васильевна— Тошкент почтамти 30-алоқа бўлимининг старший телеграфисткаси.

Тошбоев Олтин—Ангрен шаҳар алоқа узелининг электромеханиги.

Ҳолиқов Саиджон Абдулхаирович—кабель ва радиореле магистрали техника эксплуатацияси бошқармасининг электромеханиги.

Усмонов Ҳалимжон Қосимович —Сретен район алоқа узелининг почтальони.

Чернецова Лидия Сергеевна— Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг бўлим бошлиғи.

Шевченко Петр Андреевич— давлат иттифоқ алоқа лойиҳалаш институти Тошкент бўлимининг группа раҳбари.

Юсупов Ҳакимжон Абдулазизович—Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги шофёри.

Суратларда: (юқорида) пойтахтимизнинг Володарск кўчасида фойдаланишга топширилган янги бино. (Пастда) зилзилада бошпанасиз қолган оилалар янги квартираларга кўчиб кирмоқдалар.

А. Мальцев фотолари.

ЧОДИРЛАРДАН — ЯНГИ КВАРТИРАЛАРГА

⊙ ҲАМКАСБЛАР МЕҲР-ОҚИБАТИ ⊙ ЯНГИ КВАРТИРАЛАР БИРИНЧИ НАВБАТДА БОШПАНАСИЗЛАРГА ⊙ КЎЧАЛАРДА ЧОДИРЛАР КАМАЙМОҚДА ⊙ 62 ОИЛА ҚУВОНЧИ

Кунгай тарафга қараб кулиб тушган бу кўпқаватли янги уй куни кеча қуриб битказилди. Унда кишиларнинг яхши яшашлари учун ҳамма қулайликлар муҳайё. Хоналар кенг ва ёруғ. Электр, газ, иссиқ сув, канализация, ванна бор.

Високовольтний массивининг Володарск кўчасидаги бу уй пойтахтимизда хизмат қилаётган банк ходимлари учун мўлжаллаб қурилабошлаган эди. Уй олишга ёзилиб қўйганлар ҳам анчагина эди. Аммо 26 апрель зилзиласи режаларни бузиб юборди. Минглаб тошкентликлар сингари банк хизматчиларининг кўпчилик оилалари ҳам уйлари қаттиқ шикастлангач кўчага чодир тикиб чиқишди.

Янги уйни биринчи галда зилзилада бошпанасиз қолган оилаларга берамиз. — СССР давлат банки Тошкент область конторасининг маъмурияти, партия ташкилоти ва маҳаллий комитети қўшма йиғилишида ана шундай қатъий қарорга келинди.

Иккинчи томондан 4-трест 14-қурилиш-монтаж бошқармаси бинокорлари ҳам катта хизмат кўрсатишди. Қурилиш объектида иш икки сменада ташкил этилди. Янги уй биносининг бўйи жадал кўтарилабошлади.

Ана шу кўркам уй чиройига маҳлиё бўлиб турган эдик, машина сигнали қулоққа чалиниб қолди. Катта дарвозадан кўч-кўлон ортиб кетма-кет икки юк машинаси кириб келди. Бирида СССР Давлат банки республика конторасининг ходими Озода Мирзаева оиласи билан кўчиб келибди. Илгари улар Киров район Войтинцов кўчасидаги 69-ховлида истиқомат қилишарди. Кучли зилзиладан кейин уйлари бузилиб, авария ҳолатига келиб қолди. Мана, уч ой бўлибдики, чодирда яшашарди. Уларга иккинчи қаватдан секция беришибди.

Шу пайт машина кабинасидан Озодахоннинг онаси — 56 ёшли Амина хола тушди. Онанинг чеҳрасидан нур ёғиларди, оғзидан бол томиб сўзларди у.

— Кўчада, чодирда ўтирувдик, машина олиб бориб, она туринг, кўчларингизни йиғиштиринг, янги уйга кўчасиз, деб қолишса бўладими. Қурувчилар ҳам умрларидан барака топишсин. Халқпарвар ҳукуматимизга ҳам минг раҳмат. Ғамхўрликлари бир умр эсимда қолади.

Кейинги машинада область конторасининг бош кассири Вера Ивановна Корнеева кўчиб келди. Зилзилада уларнинг ҳам уйлари тарс-тарс ёрилиб кетди. Вера Ивановна оила аъзолари билан кўчада — чодирда яшайбошлади. Бу уйдан унга икки хонали квартира беришди.

Шу куни янги уй ҳовлиси қош қорайгунча жуда гавжум ва серфайз бўлиб турди. Кўч ортиб келаётган машиналар кети узилмас эди.

Бу уйда 62 оилага квартиралар калити берилди. Ҳаммаси зилзила туфайли бошпанасиз қолган оилаларга тақсимланди. Демак, Тошкент кўчаларидан яна 62 чодир йиғиштириб олинди!

Эрта-индин бу гавжум бинода ҳам ҳовли тўйлари бир-бирига уланиб кетади. Шунда уй эгалари кунни тунга улаб, тер тўкиб меҳнат қилган қўли гул бинокорларнинг номларини қайта-қайта ҳурмат билан тилга олишади.

Янги уйларда саодат ёр бўлсин уларга!

Т. МИРҲОДИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ТОШКЕНТЛИКЛАР РЯЗАНГА КЎЧИБ БОРИШДИ

РЯЗАНЬ, 23 июль. (ТАСС мухбири). Зилзиладан зарар кўрган Тошкент ишчи ва хизматчиларидан кўпгина оилалар Рязань шаҳрига кўчиб бордилар. Бу ерда шаҳар аҳолиси уларни зўр хушнудлик билан кутиб олди. Меҳнаткашлар депутатларининг шаҳар Совети Ўзбекистон пойтахтининг собиқ аҳолисига Приока посёлкасининг Луговая кўчасидаги янги уйдан жой берди.

Ўзбекистонлик болалар ҳам Рязань юртида дам олмоқдалар. Тошкентдаги мактаб ўқувчиларидан юз бола ҳозир Солотче деган курорт қишлоғида жойлашган пионер лагерларида дам олмоқда.

ТЕЗ ВА ПИШИҚ ҚУРАЙЛИК

Украиналик бинокорлар ажойиб ташаббус бошладилар

«Тошкентликлар биринчи навбатда биз қурган уйларнинг калитларини олсинлар». Зилзила оқибатларини тугатишда Ўзбекистон пойтахтига қардошларча ёрдам кўрсатаётган украиналик бинокорлар касаба союзининг яқинда бўлиб ўтган конференцияси минбаридан ана шу чақириқ барала янгради.

«Укрстрой» тресты коллективи Тошкентга келгандан буён ўтган икки ой ичида 21 та кўп қаватли уй қура бошлади. Бу уйларнинг баъзиларида иккинчи қаватни қуриш тугалланмоқда. Қурилишнинг ишлаб чиқариш базаси барпо этилди ва тез кенгайиб бормоқда. Ишчилар учун палаткали шаҳарчалар бунёд этилди. Ҳозирги вақтда эса украиналик бинокорлар Чилонзорда уйлар қуриш суръатини пасайтирмай, Тошкент марказида ҳам бинолар барпо этишга киришдилар. Яқин вақт ичида улар сафига яна кўплаб янги бинокорлар келиб қўшилади. Улар ўз сафларини икки баравар кенгайтириб, қурилиш ишларини яна ҳам жадаллаштириб юборадилар.

Конференция делегатлари Украинадан келган ўнта қурилиш поезди коллективининг ишини шундай ташкил қилиш керакки, бирон иш соати ҳам беҳуда ўтмайдиган бўлсин, дедилар. Бунда моддий-техника таъминотида камчиликларга йўл қўяётган, бинокорларнинг кундалик ҳаёти тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмаётган айрим хўжалик раҳбарлари шаънига бир қанча кескин танқидий мулоҳазалар айтилди.

Ишда эришилган дастлабки муваффақиятлар учун украиналик бинокорларга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Касаба Союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи берилганлиги тўғрисидаги хабарни делегатлар қизғин қарсаклар билан кутиб олдилар.

«Укрстрой» трестининг коллективи 1966 йилда илгари белгиланганидек 30 минг квадрат метр эмас, балки 32 минг квадрат метр уй-жойни, яъни бир мингдан кўпроқ квартирани фойдаланишга топшириш мажбуриятини олди. Ана шу уй-жойларнинг учдан икки қисми, ёки 21 минг квадрат метр уй-жой майдони Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларига 1 ноябргача топширилиши лозим.

Украина вакиллари янги Тошкентни бунёд этаётган Россия Федерациясининг бинокорларини, шунингдек «Главташкенстрой»га қарашли 153-трест коллективини социалистик мусобақага чақиришга қарор қилдилар.

Конференция қурилиш касаба союз комитетини ва ревизия комиссиясини сайлади. Бирлашган қурилиш комитетига бригада ва участкаларнинг мусобақасига оператив раҳбарлик қилиш, бинокорларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш программаси бажарилишини қаттиқ контрол қилиб туриш топширилди.

(ЎзТАГ).

ДИРЕКТОР МАҚОЛАСИ НЕГА ЁЗИЛМАДИ

1-«Оҳангарон» совхозига чорвачилик ҳақида ижобий мақола ёзиш учун бориб, у ердан танқидий мақола ёзиб қайтишга тўғри келди. Нега шундай бўлди?

Район ишлаб чиқариш бошқармасининг зоотехниги ўртоқ П. Абдонин, «шу совхоз ҳақида ижобий мақола ёзса бўладими...» деган саволга елкасини қисиб қўяқолди. Яхшиси ўзингиз бориб кўринг, деди у.

Дарҳақиқат, совхознинг чорвачилик соҳасидаги ишлари ҳали кишини хурсанд қиладиган даражада эмас. Ҳатто чорвачиликда кўп фойда келтириши мумкин бўлган қўйчиликдан ҳам сезиларли зиён кўрилмоқда. 1964 йилда умуман 257 минг сўм, шу жумладан қўйчиликдан 23 минг сўм зарар бўлди. Қорамол гўшти, жун, товуқ гўшти, тухум пилла етиштириш, хуллас чорвачиликнинг ҳамма соҳаларидан фойда ўрнига, зиён келаяпти.

1965 йилда зарар бир даража камайгани учун совхоздаги ўртоқлар мақтаниб: «бу йил атиги 103 минг сўм зарар кўрибмиз...» дейишади. 1966 йилнинг ярми ҳам ўтиб қолди. Лекин бу йил ҳам чорвачиликдан фойда ўрнига зиён келиши ҳозирданоқ кўриниб турибди. Биринчи кварталнинг ўзида 10 минг сўм зиён кўрилди.

Совхоз директори ўртоқ Фахриддин Ғуломов билан суҳбатлашиб қолсангиз чўчқачилик умуман чорвачиликни орқага тортаяпти, деган хулосага келасиз. Чўчқачилик катта зарар келтираётгани рост. Масалан, 1964 йилда чўчқачиликдан 23 минг сўм, 1965 йилда 29 минг сўм зарар кўрилди. Бунга чўчқачиликдан планга мувофиқ бола олинмаётгани, чўчқалар кўплаб нобуд бўлаётгани, касал деган баҳона билан қисман сўйилиб юборилаётгани сабаб бўлаяпти. Масалан, бу йил она чўчқалардан планга мувофиқ 1380 бош бола олиниши керак эди. Лекин 709 бола олинди.

Совхоз раҳбарларининг бошлари қотиб қолган. Нима қилишларини ўзлари ҳам билишмайди. Чунки бу йилги гўшт тайёрлаш плани бажарилса ҳам, бажарилмаса ҳам совхознинг юзига катта доғ тушади.

Гап бундай. Совхозда гўшт планининг бажарилиши учун яна 70 тонна гўшт ёки 1540 та қўй ёки 280 бош қорамол, ёки 700 бош чўчқа топшириш керак. Хуллас совхозда гўшт плани бажарилса моллар камайиб кетади. Мол топширилмаса план бажарилмай қолади.

Совхоз директори ўртоқ Ғуломов бунга совхозлар тресты айбдор, улар нотўғри планлаштирганлар. Бошқа хўжаликлардан моллар олиб берилмаса бу планни бажариб бўлмайди, дейди.

План бўлимининг бошлиғи ўртоқ Казимирский эса, бошқача гапиради. У агар бошқа хўжаликлардан мол олиб келинадиган бўлса, гўшт плани яна шунга мувофиқ кўпайиши керак дейди. Бундай аҳволнинг келиб чиқишига аслида чўчқалардан, қўй, ва қора моллардан кам бола олинаётгани сабаб бўлаяпти. Улар эса «айбни» чўчқаларга қўяяптилар.

Айбдор фақат чўчқаларми? Совхознинг бош бухгалтери: чўчқа боқишни яхши билганимизда бундан фойдали нарса бўлмасди-я, дейди. План бўлимининг бошлиғи ҳам, директор ҳам чорвачиликнинг бошқа соҳалари кўнгилдагидек эмаслигини ҳали ҳисобга олмаётганга ўхшайдилар. План бўйича сигирлардан бу йил 668 та бузоқ олиниши керак эди. Аслида эса 108 бош кам олинди. Қўзи олиш плани ҳам бажарилмади.

— Йилқи,— дейди,— чойхонада ўтирган оппоқ соқолли бир чол. Камҳаражат, нуқул даромад келтирадиган нарса. 200—300 йилқини бир киши бемалол боқаверади. Тағин жониворнинг қимизини айтмайсизми? Йилқи арзон гўшт ва қимиз етказиб беради.

Совхозда камчиқим, сердаромад йилқичиликни, қўйчиликни ривожлантириш учун катта имкониятлар бор. Аммо бундан ҳали фойдаланилмаяпти. Масалан, совхознинг 60 минг гектар яйлови бор. Шундан 21 минг гектари жуда қулай, серўт ҳисобланади. Илгари шу совхоз ўрнида бир колхоз бор эди. Унда боқиладиган қўйлар сони 40 минггача етган эди. Лекин ҳозир шу яйловларда совхознинг 21 минг бош қўйлари боқилаяпти холос. Демак, совхозда ҳали мавжуд имкониятлар даражасида иш қилинаётгани йўқ. Кўпгина яйловлар бекор ётибди.

— Мен илгари шу ердаги колхоз раис ўринбосари эдим, — дейди совхоз ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Мўмин Бўриев.— Ўша вақтда сал кам минг бош йилқи бор эди. Лекин совхозда чорвачиликнинг бу тармоғини ривожлантиришга ҳали ҳам етарли эътибор берилаётгани йўқ. Йилқилар сони жуда кам. Ахир йилқи ҳам арзон гўшт, ҳам қимиз, ҳам ишчи кучи-ку. Оз меҳнат сарфлаб, кўп даромад оладиган соҳа.

Кейинги вақтларда чорвачиликда бир қадар силжиш юз берди. Қўй, товуқ гўшти етказиш, жун тайёрлашдан фойда кела бошлади. Бироқ, чорвачиликнинг кўпсоҳалари ҳали ҳам зарар етказмоқда. Бунга совхоз раҳбарлари ўтган йили ғалла, пичан яхши бўлмаганини далил қилиб келтирмоқдалар. Бироқ ўтган йиллардаги аччиқ сабоқлардан ҳали тўғри хулоса чиқариб, ишда бурилиш ясалмаган. Чорва қишлови учун ем-хашак тайёрлаш қониқарсиз аҳволда. Масалан, пичан тайёрлаш плани бажарилмаган. Планга минг тонна беда етмайди. 4391 тонна ўрнига 809 тонна сомон тайёрланган, холос.

1-«Оҳангарон» совхозининг ғаллачилик соҳасидаги ишларини ҳар қанча мақтаса арзийди. Совхоз ғаллакорлари март Пленуми қарорларидан руҳланиб, катта ғалабага эришдилар. 3661 ўрнига 7630 тонна ғалла етиштирдилар. Давлатга 450 ўрнига 900 тонна буғдой етказиб бердилар. Пландан ташқари 2155 тонна арпа сотилди. Бу жуда яхши. Бироқ чорвачилик соҳасидаги ишлар кўнгилдагидек эмас. Бунга март Пленуми қарорларига амал қилиб чўпонлар ўртасида моддий рағбатлантириш тадбирлари тўла амалга оширилмаётгани ҳам салбий таъсир қилаяпти.

1-«Оҳангарон» совхозида чорвачиликнинг аҳволи шундай бўлгани учун ҳам совхоз директори Фахриддин Ғуломов имзоси билан ёзилиши керак бўлган мақола ўрнига ушбу мақола ёзилди.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

АНГЛИЯ ТААССУРОТЛАРИ

Турист кўзи билан

● ● ●

Англияга қилган сафаримиз май ойида бўлганига ачиняпман. Шу кеча-кундузда — июлда бўлганда эди: Лондоннинг йирик стадионлари, серқатнов кўчалари, ҳатто трамвай, троллейбусларнинг пештоқи ҳар турли рекламалар билан безатиб ташланган. Гавжум кўчаларини кўз ўнгингга келтирасан киши: шов-шув, ишқибозларнинг тортишувлари... Ахир бундан роппа-роса икки ой бурун инглизлар мамлакатида бўладиган катта футбол ўйинига тараддуд кўришаётган эди. Нике олтин маъбудага эга бўлиш орзуси билан яшаётган эдилар-да.

Дарвоқе бир неча ой бурун олтин маъбуданинг йўқолиш воқеаси, унинг топилиш тарихи... Биз борганда бу ҳақдаги шов-шув анча босилган, энди қимматбаҳо кубокни қандай асраш, то унинг эгаси ғолиб чиққунча маъбуда беркитилган жойни сир тутиш тўғрисида мулоҳазалар борарди. Англияда катта-катта банклар, бойлик сақланадиган жойларга ўч шоввозлар сероброқ. Шундай шароитда жаҳон чемпионати учун ўтаётган ўйин якунланганига қадар олтин маъбудани асраш ҳам инглизлар учун анча мушкул албатта.

Олтин маъбуда ўғирланганида уни дарахт тагида кўмилган жойидан бир ит тасодифан топганидан муҳтарам газетхонларимиз хабардор, албатта. Шунда маъбуда топилса 5000 фунт стерлинг ваъда қилинган эди. Уни топувчи ит бўлгани учун унга маблағ даркор эмас, деб итнинг эгасига шундай тонгич кучук боқаётгани учун 1000 фунт стерлинг мукофот берилган эди, холос. Лекин итни беш йилгача ҳар куни катта порцияда бифштекс, печенье, қора икра билан сийлашга қарор қилинган экан. Аммо нима қилганда ҳам ит-да! У бифштексни, печеньени ептику. Олдига қўйилган қора икрага қайрилиб ҳам қарамабди (бу маҳсулот Англияда камёблиги, жуда қиммат туришини ҳам қадрламапти у).

Таржимонимиз Елена Васильевна Семелова бу гапни жуда ачиниб гапирарди. Худди шу пайт бир кўчадан «ўтаётган эдик. «Кучуклар сартарошхоналари жойлашган кварталдан кетяпмиз, маъбудани топган кучукни ҳам бу ерга тез-тез келтириб туришади», деб қолди у. Бизнинг учун бу гап кулгили эди, албатта. Лекин инглизлар оддий, худди шундай бўлиши зарурдай қарашади бу нарсага. Аёллар эса бульвар, парклар, ҳатто шахсий енгил машиналарда барақ кучук, мушукларни бағирларига босиб эркалаб ўтиришарди. Кучуклар дам олиш уйи, уларга махсус магазин бор. Оддий кучукка шунчалик эътибор бўлгач, олтин маъбудани топган кучукка кўрсатилаётган ҳурматга ажабланмаса ҳам бўлади.

Бутун жаҳон футбол ишқибозларининг диққат-эътибори Лондонга қаратилгани учундир хотиралар ҳам беихтиёр шу мавзуда бошланди. Лекин, Лондонда кўрган-билганлар ҳақида айтмай бўладими.

Шуни айтиш керакки, Лондоннинг об-ҳавоси тез ўзгарувчан, кўпроқ булутли, тез-тез ёмғир ёғиб туради. Совет туристлари тушган теплоход Англиянинг Тилбери портига кириб борганда, эрталаб ҳаво очиқ, қуёш заррин нурини денгизга сочиб, олтиндай товланиб турарди. Лекин, куннинг иккинчи ярмида ёмғир бошланди. Тилберидан Лондон унча узоқ эмас; электр поезд билан 40—45 минутда етилади.

Тилбери. Куни кеча «Известия» газетасида «Докерлар иш ташлаяпти» деган кичик мақола босилди. Унда биз кўрган катта портда 1300 ишчининг 3 кундан бери намойиш қилгани ҳақида хабар бор. Кўз ўнгимизда денгиз кирғоғидаги порт. Унда сон-саноқсиз пароходлардан юкларни тушираётган ўйчан ишчилар гавдаланади... Дарвоқе, биз борган 10 май куни ҳам забастовкалар давом этаётган эди.

Тилберидан Реверсед станцион станциясига келамиз. Автобусларга ўтириб, Лондон кезамиз. Дастлаб кўримсизгина кварталлар бошланади. Ишчилар шаҳарчаси. Бу ерда ўрта ҳол ишчилар яшайди, — дея изоҳ беради таржимонимиз. Уларнинг ҳаёти билан қизиқамиз. Ўртача ҳақ олишади. Лекин, Англияда квартира, ёқилғи жуда қиммат.

— Бизда табиий газ йўқ, электр энергия ҳам кам, — дейди у. Дарҳақиқат, 12 миллион аҳоли яшайдиган, саноати ривожланган йирик шаҳарда асосий ёқилғи кўмир ҳисобланади. Хонадонларда ҳам фақат кўмир ишлатилади. Шунинг учундир, бино деворлари, сон-саноқсиз ҳайкалларни корхона трубаларидан чиққан қурум, тутун роса доғ қилиб ташлаган.

Парламент жойлашган бино яқинида тўхтадик. Унинг олдида 10 минг киши сиғадиган майдон ҳам бор. Бу ерда турли тантаналар, кўпинча забастовкачилар намойиши бўлиб турар экан. Шаҳарнинг бир неча районлари, улар тили билан айтганда. Сети бор. Лекин, ҳар қайси Сетининг мэри — раҳбари йирик капитал эгаси бўлиши керак. Шаҳар мэри қироличанинг ўнг қўли ҳисобланади. Лондонга борган кунимиз совет туристлари билан ўтказилган қабул кечасида ана шу мэрлардан бир группаси, парламент аъзолари иштирок этишди. Мамлакатларимиз орасида маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, тинчлик, дўстлик ҳақидаги илиқ сўзлар айтилди. Самимийлик билан шаҳарнинг эътиборга сазовор ерлари, тарихий музейларни кўришга таклиф этишди улар. Кўрганларимиз ичида дилга яқини, жаҳон пролетариатининг буюк доҳийси Маркс қабри бизда катта таассурот қолдирди.

АССАЛОМ, МАРКС!

Маълумки, Лондон ишчилар ҳаракатининг йирик маркази ҳисобланади. 1847 йили бу ерда Коммунистлар Союзининг I-II Конгресслари бўлган. 1848 йилда Коммунистик Манифестнинг биринчи нашри босилиб чиққан. Лондонда жаҳон пролетариатининг доҳийлари— Маркс, Энгельс, Ленин яшашган. Ҳозир улар яшаган, ижод этган жойлар тарихий музейга айлантирилган, бир кунда қанча-қанча кишилар дунёнинг турли томонларидан келиб, у жойларни зиёрат қилишади.

Лондонга келганимизнинг иккинчи куни Карл Маркс дафн этилган Хайгет қабристони томон йўл олдик. У Лондон марказидан 7 километр нарида (Шимол томонда) жойлашган. Худди шу тарафда жаҳонда энг йирик ва бой ҳисобланган Британия музейи ҳам бор.

— Музей кутубхонасида бир вақтлар Карл Маркс ва Ленин ишлашган. Владимир Ильичнинг кутубхона китобларидан фойдаланишни сўраб ёзган аризаси ҳам шу музейда сақланади, — деб ҳикоя қилади Елена Васильевна.

Шу районда бир неча нашриётлар ҳам жойлашган. Уларнинг бирида В. И. Ленин редакторлик қилган «Искра» газетаси босилиб чиққан тарихий



жойлар, буюк Ленин ижод қилган, тунларини бедор ўтказган бино кўзимизга оловдек кўринди. Кларкенвел-Грин кўчасида эса Маркс яшаган уй турибди. У ҳозир музейга айланган.

Хайгет қабристонига яқинлашмоқдамиз. Сердарахт кўчалардан ўтиб темир панжарали дарвоза ёнида тўхтаймиз. Ичкари кирамиз. Йўлкадан анча юриб ўнг қўлга қайриламиз... Рўпарамизда Маркс...

— Ассалом, Маркс...

Унга яқинлашамиз. Маркснинг бюстига тикиламиз. Ақлли кўзлар ўйчан боқиб турибди. Доҳийни тирик кўргандай меҳримиз товланиб кетади. Мармарга «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деб ўйиб ёзилган. Кимдир чуқур тин олиб, доҳийнинг жасади қўйилган қабрни суриштиради. Шохи айри дарахт тагини кўрсатадилар. Бу ерда Маркс ва унинг хотини, қизи, набираси дафн этилган. Маркснинг хоҳиши шундай бўлган экан. Қабрлар ёнига борамиз. Сукут сақланади. Зиёратчилар бошларини эгиб, улуғ доҳийга таъзим қиладилар... Доҳийнинг ҳайкалига гулчамбарлар қўямиз.

— Ҳайкални ким ўрнатган? — сўраймиз.

— Пролетарлар, оддий ишчилар ўрнатишган, — деган жавобни оламиз.

МАДАМ ТУССО МУЗЕЙИ

Лондонда тарихий жойлар, музейлар, ибодатхоналар қалъа, қасрлар, галереялар жуда кўп. Инглизлар ёдгорликларни яхши асрашар, жаҳондан келган туристларга кўрсатиб катта даромад ҳам қилишади. «Тауэр» қалъасида кўрганларимиздан, айниқса, қаттиқ таъсирландик. 1078 йили бунёд этилган бу қалъанинг ичидаги ҳамма нарса ҳозир ҳам худди ўша даврдагидай сақланган. Кирсачиқмас бу зиндон — қалъага энг оғир жиноят қилган кишиларни қамашар экан. Ҳозир ўша пайтдаги мустаҳкам темир дарвоза, жазолаш қуроллари, шунча юз йил ўтганига қарамай кечагидай сақланган. Ҳар бири золимларнинг қонли ваҳшийликларидан дарак бериб турипти. Қанча-қанча бегуноҳ бошлар чопилганини кўз ўнгинга келтирасан киши.

Ҳа, Англиядаги ҳар бир музей, қасрнинг 500—800 йиллик катта тарихи бор. Лекин улар орасида Мадам Туссо музейи бошқача. Мўмдан ясалган фигуралар музейининг Мадам Туссо музейи дейилишига сабаб бор. Унинг асосчиси Туссо деган аёл бўлган. Ота- боболари, авлоди, ҳайкалтарош ўтган, ёш Туссо ҳам шу касбни ўрганади, у одамлар юзидан нусха олиб, уларнинг фигурасини тайёрлайди. Музей ҳам ана шу ҳайкаллар асосида 1802—1835 йилларда ташкил топган. У Бекр Стрит кўчасида жойлашган.

Унга бутун дунё давлат арбоблари, жаҳонга таниқли кишилар, адиблар, машҳур санъаткорлар, спорт бўйича чемпионларнинг фигуралари қўйилган.

Фигуралар жуда кўп — 300 дан ортиқ. Жаҳонда биринчи космонавт рус йигити Юрий Гагариннинг кулиб турган ёқимтой чеҳраси дафъатан кўзимизга оловдек кўринади. Унга қалбдан қувонч билан боқамиз. Бу бўлимда хиёл нарироқда яна таниш чеҳралар Байрон, Бальзак, Гюго, Толстой, Диккинс Шекспир... жамики машҳур адиблар. Буларни кўриб беҳад таъсирланасан киши, лекин худди шу музейнинг ўзида бошқа бир манзарани кўриб, дилимиз хира бўлди.

Фирибгарлик, мерос, мол дунё талашиб бир-бирини жазолаш, бегуноҳ гўдакларни ваҳшийларча қийнаб ўлдириш — бу аянчли манзаралар тасвирланган «Даҳшатли камера»га кирди-гу, кўнгилда даҳшат уйғонди, капитализмнинг бутун иллатини исботлаб турган фигуралар қатор тизилганди бу ерда. У бўлимда 17 яшар Мария Антоанети (қиролича) фигурасини тайёрлаш учун унинг танасидан жудо қилинган калласи музейга саватга солиб келтирилган экан. Ертўлани эслатувчи пастки қаватда бу каби даҳшатли воқеаларни тасвирловчи фигуралар кўп, уларни кўриб, ўша ижтимоий тузумга қарши ғазаб ортади.

Музейдан чиққач, очиқ ҳавода бироз эркин нафас олгандай бўлдик. Лекин, бири иккинчисидан ҳароб кийинган икки мўйсафид йўлимизни тўсди. Бири қўлидаги пачоқ балалайкани тиринглатса, иккинчиси икки тунука қошиқни бир-бирига уриштириб шеригига жўр бўларди. Бироз чалишгач хайрга қўл чўздилар... Лондонда ундайлар учраб туради.

Яна Тилберидамиз. Қадрдон теплоходимизни кўриб Ватанимизни кўргандай қувониб кетамиз харгал. У портдаги кемалар ўртасида қизил байроқларини ҳилпиратиб савлат тўкиб турарди. Траплардан шошилишиб чиқамиз. Ахир ўз юртимизга ошиқамиз. Хайр Лондон, хайр портнинг заҳматкаш кишилари, улар то теплоходимиз қирғоқдан узоқлашгунча ҳам қўлларини силкитиб туришди. Яна денгиздамиз, Англияда кўрганларимиз таассуротини ҳар биримиз ўзимизча, баъзан уч-тўртамиз суҳбатда мулоҳаза қилиб борамиз...

Бу мамлакатда капитал, бойлик ҳар қандай нарсадан устун, бугун ишлаб турган ишчи эртага ишини йўқотишидан хавотирланса, капитал эгаси синиб қолишдан ҳадиксирайди. Хуллас, бу ерда ҳамма нарса гўё омонатдай кўринди бизга. Совет кишисининг дахлсиз, хотиржам ҳаёти, бахт-саодатини Англияда кўрганларимиз билан таққослаймиз. Шунда она юртинг, қудратли Ватанинг яна ҳам азиз, яна ҳам меҳри булоқ эканлигини чуқур ҳис қиласан киши.

Ф. УСМОНОВА.



Суратларда: 1. Карл Маркснинг қабрига ўрнатилган бюст. 2. Лондоннинг Уайт-Холли майдони.

Фотолар авторники.

МАМЛАКАТЛАР ВА ҚИТЪАЛАРДА

МАЪЛУМОТЛАР МАҚОЛАЛАР ВОҚЕАЛАР

Кубалик биродарларимиз социалистик жамият қурилишида йилдан-йилга катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Бу ишда уларга Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларининг халқлари баракали ёрдам кўрсатмоқдалар. Суратда: Куба республикасининг пойтахти Гаванани кўриб турибсиз.

В. Ласкарев фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ВЬЕТНАМ ҚАҲРАМОНЛАРИ

ВЬЕТНАМ! Бу сўз жаҳон матбуоти саҳифаларидан тушмай қолди. У шафқатсиз курашда ўз ватани озодлигини Америка агрессорлари ҳамласидан ҳимоя қилаётган қаҳрамон халқнинг дўстлари қалбида ҳайратланиш ва қардошларча бирдамлик туйғуларини намоён қилмоқда. Бу сўз тинчлик ва тараққиёт душманларида эса ожиз, ғазаб-нафрат уйғотиб, уларни телба бир аҳволга солмоқда.

Америка Қўшма Штатлари Вьетнамни четдан ҳеч қандай аралашувсиз бирлаштиришни кўзда тутувчи Женева битимларини қўпол равишда бузиб, бу мамлакатга ўз қўшинларини юбордилар. Империалистлар қурол кучи билан Жанубий Вьетнам халқига ўз тартибларини тиқиштиришга, уни Америка оккупациясига, янгидан пайдо бўлган мустамлакачилар ва уларнинг сайгонлик малайлари ҳукмронлигига бўйсунишга мажбур қилишга уринмоқдалар. Қўшма Штатлар қўшини жанубда тинч аҳолига қарши напалма, газ, ёппасига бомбардимон қилиш каби воситаларни ишга солмоқдалар, одамлардан шафқатсизлик билан ўч олмоқдалар. Бу ваҳшийликлар гитлерчи фашистлар қилган жиноятларнинг худди ўзгинасидир.

Жанубий Вьетнам халқи озодлик курашини бостиришга кучи етмаган Қўшма Штатлар Шимолнинг қандайдир «агрессияси» тўғрисида айюҳаннос солдилар. Ана шу сохта ниқобга яшириниб олиб АҚШ 1965 йил февралда Вьетнам Демократик Республикасига қарши очиқдан-очиқ агрессия бошлади. Империалистларнинг қароқчи самолетлари социалистик мамлакат территориясига бомбалар ёғдирабошлади.

Мана бир ярим йилдирки, Шимолий Вьетнам ерида уруш алангаси тинмаётир, Америка империалистлари мамлакат шаҳарлари ва қишлоқларига ўн минглаб бомба ва ракеталар ташладилар. ВДР ни ҳаводан бомбардимон қилишни бошлаганида Америка қўмондонлиги мамлакат экономикасида мушкул аҳволни вужудга келтириш, аҳоли ўртасида саросима ва қўрқув пайдо қилишни мўлжаллаган эди. Лекин бу мўлжалларнинг ҳаммаси барбод бўлди.

Вьетнамдаги урушни кенгайтиришда ВДР пойтахти Ханой ва мамлакатнинг йирик порти Хайфон шаҳарлари атрофини бомбардимон қилиш янги, ниҳоятда хавфли қадам бўлди. Варшава шартномаси қатнашчиси бўлган давлатлар Бухарестдаги ўз Кенгашларида айтганларидек, бу жиноий хатти-ҳаракатлар шунга олиб келдики, «Вьетнамдаги уруш халқаро вазиятни жиддий равишда мураккаблаштирди, у тинчлик ва умумий хавфсизлик учун яна ҳам хатарли янги характер касб этмоқда».

Ушбу сатрларнинг автори Ханой ва Хайфон атрофларига Америка бомбалари ёғдирилмасдан сал олдинроқ шу шаҳарларда бўлишга муяссар бўлган эди. Ўша вақтдаёқ Америка қўмондонлиги янги иғвогарликларга тайёрланаётганлиги сезилиб турганди. У Ханой ва Хайфоннинг ҳаво территориясига разведкачи самолетларни тез-тез юборар, бомбалар борган сари шу шаҳарлар яқинида портларди. Ана шундай шароитда Вьетнам ишчилар синфи катта сабот-матонат кўрсатди.

Механика заводи цехларида мен «Моҳирлик билан ишлаб чиқаришни юксалтиришга эришайлик!» деган шиорларни кўрдим. Бу йил завод коллективи олдига катта вазифалар қўйилган. Кўпгина районларда баъзан чангалзорларга яшириниб ишлаётган корхоналарга station... станоклар, машиналар ва ускуналар тайёрлаб беришни кўпайтириш зарур. Заводда ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми 1965 йилга таққослаганда 10 процент ўсиши керак.

Корхонада ёшлар, айниқса аёллар кўп. Бундан бир-икки йил муқаддам бу ерда бир неча юзгина хотин-қиз ишларди. Эндиликда улар бутун коллективнинг қарийб учдан бир қисмини ташкил этади. Энг яхши меҳнат илғорлари уларга ўз тажрибаларини ўргатмоқдалар.

Уруш белгилари заводда ҳам кўриниб туради. Станоклар олдидан бошланган траншеялар бутун цех бўйлаб таралиб кетган. Ҳавф туғилиб қолган тақдирда ишчилар ана шу траншеялар орқали пана жойга ўтиб оладилар. Корпусларнинг томларига йирик калибрли зенит пулеметлари ўрнатиб қўйилган. Ўз-ўзини ҳимоя қилиш отрядининг жангчилари ана шу пулеметлар олдида узлуксиз навбатда турадилар.

Бу эҳтиёт чораларини кўриб қўйиш бежиз эмас экан. Ханой газеталарининг ёзишича, Америка самолетлари пойтахт атрофини бомбардимон қилганларида ҳаво қароқчиларига қарши зенитчилар билан бирга пойтахт корхоналари ва муассасаларининг халқ лашкарлари отрядлари ҳам ўт очиб турганлар. Ҳаво ҳужумини Хайфон ҳам юксак бардош билан қарши олди. Цемент заводи, консерва ва ойна фабрикаларида иш тўхтовсиз давом этмоқда.

Хайфоннинг юраги портдир. Америка қузғунлари худди шу портни мўлжалга олмоқдалар. Республика шу порт орқали бошқа мамлакатларга ўз маҳсулотини юборади. Хайфонга Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлардан кемалар келиб туради. Улар машиналар, ускуналар, дори-дармонлар, хуллас душманга зарба бериш учун Вьетнам халқига ҳозирда зарур бўлган ҳамма нарсаларни етказиб беради.

Америка авиациясига қарши шиддатли жангларда Вьетнам қўшинларининг жанговар маҳорати ошмоқда. Мингдан ортиқ қароқчи самолетлар Вьетнам тупроғида гўрга тиқилди. ВДР ҳаво чегараларини ҳимоя қилиш учун ҳозирда ҳамма воситалардан, шу жумладан ракеталар ва авиациядан фойдаланилмоқда.

Вьетнам учувчилари билан бўлган учрашувлар эсимга тушади. Уларга ҳозир жуда қийин. Ҳам ўқишмоқда, ҳам жанг қилишмоқда. Бунинг устига тажрибали ва кучли душман билан олишишга тўғри келаётир. Шунинг учун ҳам жангда эришилаётган ғалаба фахрли ва ниҳоятда қадрлидир.

Эскадрилья командири старший лейтенант Фам Нгон Лан Вьетнам учувчилари орасида биринчи бўлиб америка самолетини уриб туширган. У шу ҳақда гапириб берди.

— Биз ўртоқларимиз билан жангга пухта тайёрландик, Америка учувчиларининг ҳаракатларини кўздан кечирдик, уларнинг заиф ва кучли томонларини ўргандик. Эскадрильямиз кўрсатилган районга кўтарилганда бир группа америка самолетларини кўрдик. Мен атака учун буйруқ бердим-у, ўзим самолётга яқинлашиб ўт очдим. Душман самолети тутун чиқариб, денгизга ағанаб тушди. Бор-йўқ гап мана шу. Энг муҳими шуки, биз кураша олишимизни, мақталган америка калхатларини енга олишимизни исбот этдик.

Урушда қўшин турларининг ҳаммасига ҳам қийин. Ўқ-дори, ёқилғи ёки озиқ-овқат ортилган машиналарни бомбалар дабдала қилиб юборган кўчалардан тўхтовсиз отишма ва бомбардимонлар орасидан олиб ўтаётган шоферларга ҳам осон тутиб бўлмайди. Кўприклари алла-қачон вайрон-талқон бўлиб кетган кўпдан-кўп дарёлардан ўтишни таъминлаётган саперларни айтмайсизми. Улар ўз вазифаларини тепаларида кечаю-кундуз ҳаво қароқчилари изғиб юрган тахликали шароитларда бажарадилар. Америка авиацияси билан тенгсиз жанг қилаётган ёш Вьетнам учувчиларидан озмунча жасорат, маҳорат талаб қилинаяпти дейсизми. Лекин ҳар ҳолда Қўшма Штатларнинг Вьетнам Демократик Республикасига қарши олиб бораётган бу ҳаво жангини даф этишда асосий оғирлик зенитчилар зиммасига тушмоқда.

Зенитчилар. Ҳозир улар Вьетнамда алоҳида иззат-ҳурматга сазовордирлар. Одамлар, қаерда бўлмасин, уларни кўрганларида хушрўйлик билан кулиб қўядилар, уларга нисбатан ўзларининг энг яхши ниятларини нима биландир билдириб қўйишга ҳаракат қиладилар. Кокс ёнғоқлари билан савдо қилувчилар улар учун энг яхшиларини танлаб беришади. Болалар зенитчилар кетидан тўда-тўда бўлиб эргашиб: «Сиз «Ф—105»-ни уриб туширганмисиз?» деб сўрашади. Қисқагина «ҳа» сўзини эшитганларида улар хурсандлик ва ҳаяжондан осмонга ирғишлашади. Зенитчилар учун кўчаларда ҳам доимо яшил йўл. Уларни кечувларда ҳам навбат куттирмай ўтказишиб юборишади. Агар бирон ерда тўп ишга тушиб қолса, америка реактив самолетлари қоқ тепада вағиллаб турган бўлса ҳам, ўнлаб кишилар зенитчиларга кўмакка келишади.

Биз Вьетнам зенитчилари билан Ханой остоналари, илиқ Жанубий Хитой денгизи қирғоғида ва дарёларнинг кечув жойларида ўрнашган жанговар позицияларда учрашдик. Улар орасида мустамлакачиларга қарши шиддатли кураш мактабини ўтган тажрибали жангчилар ҳам, армияга бундан бир неча ой илгари келган ёш йигитлар ҳам бор. Лекин уларнинг ҳаммасини Ватанга муҳаббат, Вьетнам халқига ўлим ва вайронлик келтираётган душманга қарши ғазаб-нафрат монолит қилиб бирлаштирган.

Ҳозир Вьетнамда белгили бир фронт линияси ҳақида гапириш қийин. Америка авиациясига қарши қаерда жанг бўлса, ўша ер фронт линияси. Бу линия жанубда 17-параллель яқинида, республиканинг энг шимолида, Хайфон остоналарида, Донгхо ва Дьенбьенфуда.

Вьетнам зенитчилари билан суҳбатлашиш анча мушкул иш: бунга уларнинг вақтлари йўқ. Баъзан уларга бир кунда душманнинг унга яқин ҳужумини қайтаришга тўғри келади. Тунда иссиқ орзиқиб кутилган салқинлик билан алмашади. Лекин у жангчиларга хордиқ чиқаришни ҳадя этолмайди. Қоронғи тушиши билан Америка самолётлари кўзларни кўр қилгудек сариқ ёритувчи ракеталар билан тун осмонида изғийбошлайди. Бирон бир объектни танлайди-ю, ҳаво қароқчиси ҳамлага ўтади, ракеталар ёғдиради, бомбалар ташлайди. Аммо кечаси ҳам уларни зенитчилар жазосиз қолдиришмайди.

... Кеч тушганида вақтинчалик тинчликдан фойдаланиб, Хамжонг кўприги ёнида жойлашган зенитчилар позициясига йўл олдик. Бутун Вьетнамда Америка авиацияси шунчалар тез-тез ва қатъиятлик билан ҳужум қилган бошқа бирон бир объектни топиш қийин. Серсув Ма дарёси устидан ўтган бу кўприк Тханьхоа шаҳригача чўзилиб боради.

Хамжонг ҳимоячилари орасида кўпгина қаҳрамонлар бор. Биринчилар қаторида офицер Ха Хюи Куанг командирлик қиладиган батареяни тилга олишади. Бу батарея 65 та жангда қатнашиб, тўртта орден билан мукофотланган.

Биринчи жанг шу Хамжонг кўприги ёнида бўлган эди. У беш соатга яқин давом этди. Тропикда бўлган киши тушки жазираманинг нималигини яхши билади — ҳатто сояда ҳам нафас олиш амри-маҳол. Қўллар худди тош бойлаб қўйгандек зил-замбил бўлиб қолади. Зенитчилар эса ана шундай шароитларда кўп соат давомида жанг қилишди. Офтоб уриб, ҳушидан кетганлар ҳам бўлди. Лекин батарея ўқ узишини тўхтатмади. Ҳатто ярадор бўлганлар ҳам ўз постларидан жилишмади.

Кечқурун жанговар журналда биринчи уриб туширилган самолёт тўғрисида ёзув пайдо бўлди. Зенитчилар бу самолётнинг парчаларини батареядан 400 метр наридан топишди.

Вьетнам халқининг америка агрессиясига қарши олиб бораётган қаҳрамонона курашидан жуда кўп мисолларни келтириш мумкин. Уларнинг ҳар бири ўз ватани озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган халқнинг букилмас иродаси, сабот-матонати ва қатъиятининг ёрқин ифодасидир.

Вьетнам халқи ўз курашида ёлғиз эмас. Социализм мамлакатлари, бутун прогрессив инсоният унинг тарафдоридир. Бутун жаҳон америка агрессорларини лаънатламоқда. Ўз интернационал бурчига содиқ бўлган совет халқи, партиямиз АҚШнинг жиноий ҳаракатларини кескин қораламоқда, қардош вьетнам халқига зарур ёрдамни кўрсатмоқда.

Сиёсий маслаҳат комитетининг Бухарест кенгашида иштирок қилган Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси муносабати билан бир овоздан Баёнот қабул қилдилар. Баёнотда Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар Вьетнамдаги урушнинг янги босқичи тақозо этган эҳтиёжларни ҳисобга олиб америка агрессиясини ғолибона даф этиш учун зарур бўлган маънавий-сиёсий ёрдам ва ҳартамонлама ёрдамни кўрсатабередилар, башарти Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати илтимос қилган тақдирда ўз кўнгиллиларининг Вьетнамга боришларига имконият яратиб беришга тайёр эканликларини билдирадилар, деб уқтирилди.

Америка империалистлари бу шунчаки декларация эмаслигини билиб қўйишлари керак. Бу ҳужжатнинг ҳар бир сўзи орқасида Варшава Шартномаси қатнашчиси бўлган давлатларнинг бирлашган куч-қудрати турибди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва Совет ҳукумати ана шу Баёнотдан келиб чиқадиган ҳамма зарур тадбирларни, шу жумладан америка агрессиясини даф этиш учун кўрсатиладиган иқтисодий ва ҳарбий ёрдам билан боғлиқ бўлган тадбирларни кўриш юзасидан совет компитентли органларига кўрсатма бердилар.

Вьетнам халқи курашаётган ҳақ ишнинг ғалаба қилишига бутун прогрессив инсоният ишонади.

В. ШАРАПОВ.

ВЬЕТНАМДАГИ ҲАРБИЙ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕКШИРУВЧИ КОМИТЕТ ИШГА КИРИШДИ

ХАНОЙ. (ТАСС). Америка империалистларининг Вьетнамдаги ҳарбий жиноятларини текшириш комитети (бу комитет Вьетнам Демократик Республикаси Министрлар Советининг қарорига мувофиқ ташкил этилган эди) асосий йўлни белгилаш ва иш планини тасдиқлаш учун биринчи мажлисини ўтказди.

Мажлисдан кейин комитет баёнот эълон қилди. Баёнотда бундай дейилади: «АҚШ ва унинг гумашталарига қарашли 300 мингдан ортиқ аскар ва қўғирчоқ армиянинг 500 минг солдати жанубда бизнинг халқимизни кун сайин қирмоқда. Американинг неча юзлаб самолётлари Шимолий Вьетнамга қароқчиларча ҳужум қилмоқдалар, унинг территориясини кундузи ҳам, кечаси ҳам бомбардимон қилиб ўққа тутмоқдалар».

Вьетнам информация агентлиги тарқатган баёнотда айтилишича, АҚШ агрессорлари ана шу жиноий урушда Вьетнам халқига қарши энг шафқатсиз ва энг ваҳшиёна усулларни қўлланмоқдалар.

Улар Жанубий Вьетнамда бомбалар ташлаб, напалмларни, заҳарли химиявий воситаларни ва заҳарли газларни ишга солмоқдалар. Уларнинг бундан кузатган мақсади — қишлоқларни ер билан яксон қилиш ва гражданаҳолисини қириб ташлашдан иборат. Уларнинг қўшинлари: «ҳамма нарсани ёндириш, ҳамма нарсани йўқ қилиш, ҳаммани ўлдириш» шиори остида ҳаракат қилмоқдалар. Неча юз минглаб кишилар турмаларга ташланган ёки концентрацион лагерларга ҳайдаб олиб кетилган.

АҚШ самолётлари Шимолий Вьетнамга ваҳшиёна ҳужум қилиб, гражданаҳолини қирмоқдалар, шаҳар ва қишлоқларни, жамоат биноларини, касалхоналар, мактабларни ва будда ибодатхоналарини вайрон қилмоқдалар. Улар ёғингарчилик мавсумида миллионларча кишиларнинг ҳаётини хавф остида қолдиришга интилиб, ҳатто тўғонлар системасини ҳам бомбардимон қилдилар.

Баёнотда айтиладики, АҚШ империалистларининг Вьетнамдаги ваҳшиёна ҳаракатлари инсоният томонидан қаттиқ қораланган гитлерчи фашистларнинг ҳаракатларини эсга туширади.

Баёнотда қардош социалистик мамлакатлар ва тинчлик ҳамда адолатни қадрлаётган мамлакатлар, халқаро демократик ташкилотлар ва бутун дунё арбоблари, олимлари, юристлари бу комитетни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдилар ҳамда ўз ҳаракатларини комитет билан мувофиқлаштириб олиб борадилар, АҚШ империалистларининг Вьетнамдаги жиноятларини фош қиладилар ва уларнинг Вьетнам халқига қарши агрессив урушини тўхтатишни талаб этадилар, деб умид билдиради.

Баёнот «АҚШ ҳукумати Вьетнам масаласи юзасидан 1954 йилда Женевада тузилган битимларни ҳалол бажарсин, Вьетнамдаги ҳарбий ҳаракатни тўхтатсин, АҚШ ва шерикларининг ҳамма қўшинларини Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетсин ҳамда Вьетнам халқига ўз ички ишларини ўзи ҳал этишига имконият яратиб берилсин» деб талаб қилади.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА СЕЛ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Жанубий Кореяда 10 кундан буён сел ёғмоқда. Бунинг натижасида 40 дан ортиқ киши ўлди, 34 киши ярадор бўлди, 15 киши бедарак йўқолди. Жанубий Корея аҳолисидан 40 мингга яқин киши бошпанасиз қолди. Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлигининг мухбири расмий хабарларга таяниб шу тўғрида Сеулдан хабар қилди.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

МИНГ БИР ҚИЁФАЛИ КИШИ

Икки соат давомида бир киши саҳнада бўлса-ю, бунинг устига бир оғиз ҳам гапирмай томошабинларнинг олқишига сазовор бўлса! Бу бўлмаган гап дейишингиз мумкин. Ишонмаяпсизми? Ишонмасангиз Свердлов номли концерт залида бўлаётган машҳур мимика устаси Марсель Марсо концертини томоша қилинг. Бир оғиз сўз эшитмай қота-қота куласиз, ғазабланасиз, ачинасиз.

Совет Иттифоқидаги гастролларини Тошкентда бошлаган машҳур артист Марсель Марсо ҳақида кўп эшитганмиз, кинофильмларда у ижро этган ролларни қизиқиш билан томоша қилганмиз. Энди эса, уни Тошкент саҳнасида олқишлаяпмиз.

Актернинг «Варрак учириш», «Саёқ акробат», «Ошиқ ўйнаш», «Бюрократлар», «Қизғанчиқлик», «Мақтанчоқлик» номерларини томоша қилиб завқланасиз. Унинг ҳар бир ҳаракати, қиёфаси бир дақиқада ўзгаради қолади. Зум ўтмай у ёш бола ҳолидан кекса мўйсафид тусига кириб қолади.

Айниқса, актернинг «Ёшлик, ўсмирлик, кексалик ва ўлим» деб номланган тўрт бўлимли акти концертнинг энг мазмунли, қизиқарли номерларидан биридир. Мана шу биргина номерни ижро этиш учун қанчадан-қанча меҳнат сарфламади дейсиз артист.

Икки соат давомида томошабинлар Марсель Марсо ва унинг ёрдамчиси Пьер Верниллар яратган ўнлаб образларни кўриб актерлар маҳоратига тан беришади.

Француздик санъаткорлар Тошкентга келгач, зилзила оқибатларини тугатиш йўлида мардонавор курашаётган кишиларни кўриб қойил қолишди. Улар бир концертдан тушган пулни «Тошкент фондига» беришмоқчи. Пойтахтимиз меҳмонларни яна бир неча концерт кўрсатиб, кейин Москва ва Ленинградга йўл олишади.



Конго Бош министри исёнчилар билан музокаралар олиб бормоқда

БРАЗЗАВИЛЬ. (ТАСС). Конго (Киншаса) Бош министри Муламба шарқий вилоятнинг пойтахти Кисангани шаҳрига келди. Бу шаҳар тамомила сотқин оқ танлилар ва Катанганинг уларга қўшилган собиқ жандармлари қўлидадир. Киншаса радиоси шу тўғрисида хабар қилди. Муламба Кисанганига келиши билан сотқин оқ танлилар билан ва Конго ҳукуматига қарши чиққан собиқ жандармларнинг раҳбарлари билан музокаралар олиб бора бошлади.

Бельгия офицерлари ҳукуматга қарши бошланган исённинг ташкилотчилари бўлдилар. Конго ҳарбий маслаҳатчилар ва техника мутахассислари сифатида ана шу офицерларни Конгога таклиф этган эди.

УМИДИМИЗ УЧИНЧИ ЎРИНДАН

Ўтган куни совет футболчилари ярим финалда ГФР командасига 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйиб «Олтин маъбуда» кубоги учун курашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Бу учрашув қандай ўтди? Рақиблар майдонга жанговар составда тушдилар. Аввалига ҳар иккала команда жуда эҳтиёткорлик билан иш тутди, ҳар иккала команда ҳимоячилари ўз штраф майдонларида ҳукмронлик қилдилар. Бироқ ўйиннинг биринчи ярми тугашига беш минут қолганда қарши ҳужумга ўтган немис футболчилари чиройли комбинация ишлатишди, Хеллер эса уни дарвозага киритди. Орадан бироз ўтгач эса судья Численкони майдондан чиқариб юборди. Ана шундан кейин ишқибозлар анча тушкунликка тушиб қолдилар.

Иккинчи таймни ўн киши бўлиб давом эттирган совет футболчилари ҳимоядан кўра ҳужумни афзал кўришди. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди. Курашни давом эттириш учун фақат ғалаба керак.

Л. Яшиннинг маҳоратини ишқибозлар ва туристлар олқишлаб улгурмаган ва буни Н. Озеров тарифлаб ҳам бўлмаган эдики ГФР командаси яна битта тўп киритди. Ўйин тугашига уч минут қолганда эса В. Паркуян битта жавоб тўпи кирита олди, холос. 2:1 ҳисобида ғолиб келган ГФР командаси финалга чиқди. Кеча ўтказилган Англия—Португалия матчида иккинчи финалчи ҳам аниқланди.

Эртадан кейин совет футболчилари фахрли учинчи ўрин учун майдонга тушадилар. Умидимиз учинчи ўриндан.

РЕДАКЦИЯДАН

Газетамизнинг шу йил 22 июль сонида, 4-бетда босилган «Инсон ва виждон» сарлавҳали мақолада, мақола авторининг айби билан Бойимбетов ўрнига Боймуродов деб ёзилган. Тузатиб, Бойимбетов деб ўқилишини сўраймиз.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

90 СЕКУНДДА... ТАОМ ТАЙЁР

Олов ёнмайдиган, қозон-товоқ ишлатилмайдиган ўчоқни бир дақиқа кўз олдингизга келтиринг-а. Хонада худди холодильникни эслатувчи кичкинагина шкаф турибди. Бир неча минут ичида унда хоҳлаган таомингизни тайёрлашингиз мумкин. Бу шкафда овқатнинг тайёрланиш жараёни сеҳргарликка яқинлашиб қолади. Сеҳргар ошпаз бу ерда электромагнит микротўлқинларидир.

Янги ўчоқнинг энг асосий афзаллиги таомни яшин тезлигида тайёрлашидадир. 2 киловатт-кувватли электрон ўчоқда овқат миқдорига қараб беш минутдан то йигирма секундгача бўлган вақт ичида пишади. Бир порция гўшт 30-60 секундда қовурилади. Пирожное ёки тортни эса, 2-5 минутда пишириб олиш мумкин. Анча кўп совутилган ярим фабрикатлардан таомни бор-йўғи 45-90 секундда тайёрлаш мумкин.

Бу мўъжизали ўчоқ Ленинграддаги В. П. Вологодин номли Бутуниттифоқ юксак тебранишли токлар илмий-текшириш институтида тайёрланган. Шу ерда яратилган лойиҳа асосида Люберец ва Ленинграддаги савдо машинасозлиги заводларида юксак тебранишли шкафларнинг биринчи нусхалари конструкция қилинди. Эндиликда бундай шкафлар мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам тайёрлана бошлади.

Бундай шкаф-ўчоқлар умумий овқатланиш корхоналари, шунингдек шахсий уйларда ҳам ўрнатилиши мумкин. Ҳозирги вақтда электрон плиталар Съездлар саройида, СССР Электрон машинасозлиги министрлиги, СССР Савдо министрлиги ошхоналарида ишлаб турибди.

Юксак частота тебранишли магнетрон-генератор бу қурилманинг асосий элементи ҳисобланади.

Масаллиғ шкафга қўйилгач, ошпаз кнопкани босиб автоматни ва вақт рельесини ишга туширади. Бундан кейинги барча жараёнларни махсус автоматик қурилма бошқаради. Белгиланган вақт ўтгач, у магнетронни ишлашдан тўхтатади ва шу зоҳотиёқ таом тайёрланганлиги ҳақида сигнал беради.

Электрон плита ҳамма учун, айниқса, аёлларимиз учун жуда қўл келади. Бундай ўчоқ учун кострюлка ҳам, това ҳам овқат тайёрлаш учун бошқа махсус идиш-товақлар ҳам керак эмас. Хом масаллиғ шкафга таом столга тортиладиган идишлар — чинни ва фаянс тарелкаларда қўйилади.

Табиий, кўпчиликни бундай электрон плиталардан рўзгорда фойдаланиш масаласи қизиқтиради. Ҳозирги вақтда бундай плиталар асосан умумий овқатланиш корхоналарида, кафеларда, ресторанларда, масалхоналарда, шунингдек вагон-ресторанлар, самолетлар, дарё ва денгиз кемаларида ишлатиляпти.

ЗООЛОГИЯ КОМБИНАТИ БОЙЛИКЛАРИ

Заҳарли илонларни тутиш жуда мураккаб иш ҳисобланади. Бу қийин ва хавфли ишдан Виталий Овчинников чўчимайди. Ҳатто, энг қўрқинчли ва заҳарли илонлар ҳам унинг қўлидан қочиб қутулолмайди. Бу соҳада у катта тажриба орттирган. У бир неча йилдан бери Тошкентдаги зоология комбинатига заҳарли илонлар тутиб беради. Заҳарнинг медицинадаги шифосини эса, ҳаммамиз яхши биламиз. Илонтутар шу мавсумнинг ўзида 200 дан ортиқ гюрза илонини ушлаб Тошкентга юборди. Овчилар ўз «маҳсулотлари» ни зоология комбинатига тез-тез юбориб туришади. Улар Ўзбекистоннинг турли областларида, шунингдек Туркманистон ва Тожикистонни кезиб, илон овлаш билан бир қаторда тулки, бўри ҳатто шерларни отиб, уларнинг болаларини тириклай тутишади. Тошкентдаги зоология комбинати эса бу ҳайвонларни қардош республикалардаги ёш табиатшуносларга юборишади.

Зоология комбинати овчиларнинг тутиб келган ҳайвонлари билангина чегараланиб қолмай, уларни урчитиб, кўпайтиради ҳам. Ўрта Осиёнинг кўпгина илмий-текшириш институтлари эса бу ерда тажриба ишларини олиб боришади.

Булардан ташқари шаҳарлардаги зоология магазинлари ҳам мана шу комбинат ёрдами билан савдо қилади. Комбинатда ҳайвон ва қушларни асрайдиган темир қафас ишлаб чиқариш ишлари ҳам бошланди.

В. ВИЛЬЧИК.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

27 ИЮЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00—**Телевизион янгиликлар**, 18.20—**Мактаб ўқувчиси кундалиги**, 18.40—**Октябрда туғилган театр** (телефильм). 20.30—**Эртаги кун программаси**. Ўзбек тилида: 20.35—**Телевизион янгиликлар**, 20.50—**Дўстлар маслаҳати** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 21.10—**Социалистик Бухарест** (телефильм). 21.25—**Эркин ҳаёт** тележурнали.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.00—**Адабий викторина** (мактаб ўқувчилари учун). 19.30—**Тошкент янгиликлари**, 19.45—**Магистраль** (ҳужжатли фильм).

Рус тилида: 20.35—**Олтмишдан сўнг** (ҳужжатли фильм). 20.55—**Композитор Ференц Лист**, 21.55—**Тошкент янгиликлари**, 22.05—**Ақллилик балоси** фильм-спектаклининг 2-серияси.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Элчилар фитнаси—САНЪАТ САРОЙИ, НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Том тоғанинг кулбаси—«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Аквалангчилар сув тубида—«МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8.45 минут ва 10 да)

Элчилар фитнаси — «ФЕСТИВАЛЬ».

Кечирасиз, сизни ўлим кутади «ВАТАН», КАФАНОВ номли.

Палата—«УДАРНИК».

Севги деб—НАВОИЙ номли.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—27/VII да **Қари қиз**, 28/VII да **Ишқинг билан**.

БИРЛАШГАН НАШРИЕТГА

бухгалтерлар, наборшчиклар, линотипистлар, печатниклар, қоғоз қирқувчи, приёмщиклар, шогирдлар, электромонтёрлар, автослесарлар, автоэлектриклар, шофёрлар, юкчилар, ёрдамчи ишчилар, уборшчицалар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, 2-қават, кадрлар бўлими.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 06607. ИНДЕКС 64969. Г. 1167.